

М.М. КАЛАНДАРОВ Е.А.ДОБРОПРАВОВА

БОҒ ВА ПАРК ЛАНДШАФТИ ДИЗАЙНИ



Боғ-парк ландшафт дизайни бўйича тайёрланган ўқув адабиётида замонавий истироҳат боғларида манзарали ўсимлик турларидан ҳар хил шакллар дизайни яратиш, боғ-паркларда сув ҳавзалари, фавворалар ва шаршаралар дизайнини унинг элементлари асосида яратиш, дам олиш ҳудудлари учун орламентли скамейкалар, очиқ ва ёпиқ айвонлар ўрнатиш, ўта нафис кўринишга эга бўлган клумбалар ва гулзорлар барпо қилиш шунингдек кишки ва ички боғлар барпо қилиш дизайнлари тўлиқ берилган бўлиб китоб олий ўқув юрти ва шу соҳа коллежининг талабалари учун режалаштирилган.

Такризчилар: Султонов Р.А - Манзарали боғдорчилик ва ўрмон
хўжалиги Республика илмий ишлаб
чиқариш маркази директори муовини, б.ф.п

Норкулов У--ТошДАУ, Дехқончилик ва мелиорация
асослари кафедраси доценти,
к.х.ф. номзоди

2013

КИРИШ. БОҒ-ПАРК ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Бугунги башарият олдида бутун дунё атроф муҳит ўзгаришларида улкан ютуқлар амалга оширилмоқда. Биз буни иқтисодиёт соҳасида, табиат экологиясида ва умуман олганда фан–техника соҳасидаги буюк ўзгаришларда кўриб турибмиз. Истиқлол йилларида мамлакатимизда унинг шаҳар ва қишлоқларида ажойиб архитектура ландшафтига эга бўлган кўркем бинолар, иншоотлар, гўзал ландшафт дизайнига эга бўлган боғ-парклар, сайилгоҳлар ва хиёбонлар жаҳон андозаларига мос равишда барпо этилмоқда.

Ландшафт дизайни – санъат даражасидаги ижодий фаолият, сунъий муҳитни шакллантиришга қаратилган кўкаламзор ҳудудларни безаш, геопластика, кичик архитектура шакллари, манзарали ўсимлик дунёси билан атроф–муҳитни безаш, визуал коммуникация воситаларидан фойдаланиш. Ландшафт дизайнининг мақсади – боғ-парк ҳудудини унинг архитектура иншоотларини табиатнинг жонли ва жонсиз элементлари билан узвий боғлашдан иборатдир.

Ландшафт дизайни объектлари – очик ва усти ёпилган фазолардир. Уларга: кўча ва майдонлар; кичик рекреацион (дам олиш, хордик чикариш) жойлар (хиёбон, сквер, боғлар, йўлак ва кўчалар), турли мақсадга қаратилган парклар; яшаш жойлардаги рекреацион ва ҳўжалик майдончалари (болалар, катталар дам олиш, спорт ва ҳокозолар); турли функционал хоналарнинг интерьерлари киради.

Ландшафт дизайн курси инсон яшаш жойини нарса ва фазо муҳити ҳақида назарий ва амалий билимларни умумлаштириб ландшафт дизайнининг услуб ва воситалари билан шакллантириш имкониятларини ўрганади.

Яшаш жойи участкасининг, унинг атрофини, магистрал фазоси дизайни бўйича тавсияларни, режалаш ва жиҳозлашни ишлаб чиқиш, ландшафт

дизайни ҳақида умумий тушунчалар ва унинг вазифалари, боғ-парк санъати тарихи ва асосий йўналишларининг ривожланиши, фазовий муҳитини таъминлаш масалалари бўйича, инсонни предмет-фазовий муҳитини шакллантиришнинг услуб ва воситаларини талабаларга ўргатиш – бу мазкур курснинг асосий вазифасидир.

Ишнинг асосий мақсади-талабаларда ландшафт дизайнини лойиҳалаштириш бўйича бошланғич кўникмаларини шакллантириш, тизимли тушунчалардан фойдаланиш, архитектура-ландшафт объектлари ва фазовий муҳитни лойиҳалаштириш, ўзгарувчан табиат ва керак бўлган материалларни инобатга олган ҳолда ландшафт дизайни тузилмаларида жойлаштиришдан иборат.



1-расм. Табиат элементларидан ландшафт дизайнини тасвирлаш.

Ушбу фан бугунги кунда “Санъат ва архитектура тарихи”, “Чизматасвир”, “Рангтасвир”, “Композиция асослари, Рангшунослик” “Архитектуравий лойиҳалаш”, “Макетлаш ва моделлаштириш” “Боғ-парк ишлари”, “Дендрология” ва “Аҳоли турар жойларини кўкаламзорлаштириш” каби фанлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Лойихалаштиришда ландшафт дизайни фазовий муҳитини ташкил этиш санъати тарикасида композицион умумий категорияларни инобатга олиш муҳимдир. Бу – шакл, фактура, ранг, тектоника, масштаб, масштаблик, ритм, контраст, нюанс ва бошқалардан ташкил топган.

Лойихалаштириладиган муҳитни йил фасллари, куннинг вакти ландшафт хусусиятларига боғлиқ бўлган бошқа ўзгарувчанликни ҳамда лойихада кўрсатилмаган – сув шилдираши, гулларнинг хушбўй хиди, япрок баргли дарахтларда унинг япрокларининг шитирлаши, дарахт ва буталардаги сайроки кушларнинг сайраши, фавворалардаги камалак ва унинг ранглари ва бошқаларни инобатга олиш зарур.

Ландшафт дизайни курсини ўрганиш даврида қуйидаги мавзуларда амалий ишларни бажарилади:

- Томорка жойларининг дизайни (лойиха);
- Магистрал олди жойларининг ландшафт дизайни (клаузура)
- Жамоат бино олдидаги жойнинг ландшафт дизайни (эскиз лойиха)

Бу ўқув қўлланмани яратишда илгари нашрдан чиқарилган қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалардан: А.Д. Жирнов «Искусство паркостроения», Н. Я. Крижановская, «Основы ландшафтного дизайна», Т.И.Славкина, О.И.Подольская «Декоративное садоводство» С. С. Ожегов, А. С. Ёролов, К. Ж. Раҳимов «Ландшафт архитектураси ва дизайни», ва интернет-сайт маълумотларидан фойдаланилди.

Ландшафт дизайнининг асосий тушунчалари ва йўналишлари

Ландшафт дизайни – фаолиятнинг алоҳида кўриниши бўлиб, табиий компонентлардан – рельеф, сув, ўсимликлар ва жонсиз жисмлардан фойдаланиб инсониятнинг ҳаёт фаолиятига манзарали сунъий муҳит яратишдир.


Ландшафт дизайнининг асосий мақсади – инсонга очик муҳитни ёқимли қилиб, дилга хушнудлик, функционал, эстетик ва экологик

хусусиятга эга килиб яратиш, бунда эса эстетик омиллар асосий ўринни эгаллайди.

Ландшафт дизайни асарлари композициясида рельеф (геопластик элемент сифатида), ўсимлик, сув, ҳаво (фазовий ва ер ости перспективаси сифатида) асосийдир. Ландшафт дизайннинг асосий композицион элементлари очик муҳит, ўсимлик дунёси, қурилишлар, шаршаралар, рангларнинг турличалиги, ёруғлик, соя, ҳаво ва чизикли перспективанинг пайдо бўлишидир. Кузатиш орқали келиб чиқадиган ҳис-ҳаяжонланиш, ландшафт дизайннинг асарларида санъат даражасида кўтарилиши, масштаб, уйғунлик, контраст булар композицион омиллардир.

Ландшафт дизайннинг бошқа санъат турларидан асосий фарқи:

- ландшафт дизайн асарларининг асоси табиатдир (ўсимлик, рельеф, ер, сув, ҳаво, тош ва ҳоказо.);



2-расм. Ландшафт дизайни ташкил қилувчи омилларни чизмада тасвирлаш

курулиш ашёларининг асоси — жонли ўсимлик, доимо организмдаги ўзгарувчанлик;

Ландшафт дизайнинг бошқа турли композицияси ўсиш структурага, яъни вақт ўтиши билан узликсиз ўзгариб туриши билан боғлиқдир. Ландшафт объекти яратилиш жараёнида ландшафтда табиий элементларнинг синтези ва сунъий шакллар, яъни ландшафтни янги кўринишда пайдо бўлишидир.

Ландшафт — табиат-худудий, табиий рубежлардан чегараланиб ва маълум бир ташкил кўриниш характерига эга мажмуадир.

“Ландшафт” ва “манзара” тушунчасини бир-бири билан адаштирмаслик керак, аммо уларнинг иккиси ҳам немис ва француз тилидан таржима қилинганда “жойнинг кўриниши” деган маънони беради. “Ландшафт” — географик термин, географик худудларнинг табиий кўринишини ўзгача ажратишдир. “Манзара” — рангтасвирда ишлатувчи термин, инсон кўзи билан худуддаги жойни аниқлашдир.

Ландшафтни бешта асосий унсурлари мавжуд — булар ер (рельеф), ҳаво, сув, флора ва фауна. Олтинчи унсур эса инсондир. Ер қатлами турлича рельефларга эга. Бу рельеф ҳавонинг ва сув тақсимотини айтиб туради. Бунинг оқибатида жойнинг худуддий-иқлимий ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг тавсифи йиғилиб боради.

Рельеф — ландшафтни “скелети”дир. Унинг ўзгаришида бошқа барча унсурларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин. Ландшафтлар табиий (табигий) ва антропоген бўлимларга бўлинади.

Табиат муҳитдаги ривожланиш давомида ва инсоннинг аралашуви жараёнида табиий ландшафтлар вужудга келди. Замонавий ривожланиш поғонасида бу тушунчани шартли равишда қабул қилиш мумкин, яъни бу худуд планетада йўқдек, асосий ландшафт унсурларига инсон фаолияти орқали тегимагандек.

Антропоген ландшафтлар ўзаро характерланувчи табиий ва сунъий унсурлардан ташкил топади ва инсон аралашуви остида шаклланади.

Ландшафтнинг мустахкамлилика айланиш даврида ландшафт урбанизацияси тушунчаси шаклланди. Бундайларга шаҳар, қишлоқ, саноат, рекреацион ландшафтлар киради.

Ландшафт дизайн объектлари табиат билан уйғунлашган ва санъатнинг турли кўринишларини тарихий услублар (стиллар) билан боғлиқлигини, ҳар бир даврда эстетик идеалларни ўзгаришларини акс эттиришлари билан ўзларини таништирадilar.

Парадигма- қандайдир бир даврдаги қарашларга тилга, маданиятга, соҳага, илмга, санъатга, дунёнинг қурилишига, аниқ фалсафий оқимга, санъатда аниқ йўналишга устунлик қилишдир. Парадигма санъатдаги ва илмдаги аниқ фикрлаш услуби билан боғлиқдир. Бу тушунчанинг мазмуни – тарихнинг кириб келишидир. Парадигма алмашинуви – маданиятда кетма кет йиғилиш ситиуациасидир ва унинг ривожини порлоқ тавсиф билан аниқланади. Парадигма илмда фикрлаш услубини ва санъатда ҳам ўз услубини аниқлайди. Дизайн учун бу ёки у услуб ҳам аҳамиятлидир.

Жамиятнинг илк ривожланиш даврида ландшафт объектларининг режавий-тизими, табиат-иқлим шароитларидан тўғридан-тўғри боғлиқлиги кузатилган. Суғориш тизими билан ёқимли микроклимни таъминловчи, египет ва персия (эрон) боғларининг режавийлигига боғлиқ. Шу билан бир каторда ўша даврда эстетик омилларни ҳисобга олган ҳолда – безатиш, ландшафтнинг бўш жойини геопластика, сув қурилмалари ва ўсимликларнинг бой ассортиментларини қўллаш усуллари билан шаклланди.

Антик даврда ландшафт дизайн воситаларидан фойдаланган ҳолда атроф муҳитни уйғунлантириш ғояси илгари сурилади – архитектуруни табиат билан боғланишини, сунъий яратилган муҳитда элементлар уйғунлигини кўрсатиш. Табиий ва архитектура шакллариининг ўзаро жипс боғлиқлиги қадимги рим боғларида фарқланади.

Ландшафт объектларини уйилитар талабларига итоат этиш тенденцияси Еврапада ўрта аср даврида устунлик қилган.

Боғ-парк санъатини тушуниш ўрта асрда Осиё билан европада сезиларли фарк килган. Хитойда боғларнинг хилма хил турлари ташкил этилган: императорлар саройлари қошидаги боғлар, табиий пейзажли боғлар, ҳовли боғлари, шоиру-алломалар боғи ва кўплаб бошқа боғлар, яъни дунёнинг тинчлигини, табиатнинг чиройини, лирик хусусиятни очиб беради. Японияда боғлар вақт оқимига қараб ўзларининг эстетик шаклланиш усулларини ўзгартирадilar.



3-расм. Шарқ боғларининг мафтункор дизайни


Бошланишида бу ҳашаматлилик, манзарали кўринишлар ва тури туман гуллар, кейинчалик эса фалсафанинг ахлокий тозаланиши остида ва оддийлик – лакалик, рамзийлик, ранглар уйғунлигининг сакланиши бўлди.

Табиат ландшафт объектининг асосий формасини ташкил этувчи элементидир. Доимийлик ўрнига пейзаж стили кириб келди.

Кейинги юз йилликда жамоат парклари ва боғларини жуда кўп, жумладан махсуслаштирилган, давр ва тарихий услубда турли хилда кенгайтирилган композицияларини пайдо бўлганини айтиб ўтиш керак. Эстетик топшириқнинг ечими ижтимоий талабга бўйсиниш бўлди. Асосий услубий йўналиш, доимийлик ва пейзаж бўлиб қолди.




4-расм.Осиёнинг қадимий боғлар дизайнининг кўриниши






5-расм.Нафис айвонлар ландшафт дизайни.




6-расм.Ўсимликлар,тошлар ва сув хавзаларининг ўзаро уйғунлашган кўриниши.



7-расм. Япон боғлари улардаги сув ҳавзалари ва йўлаklarнинг умумий кўриниши





8-расм.Шарқона боғ-ровотлар ва айвонлар дизайни

Назорат учун саволлар

- 1.Боғ-парк ландшафт дизайни фани ҳақида тушунча.
- 2.Ландшафт дизайн тушунчасининг маъноси.
- 3.Ландшафтнинг нечта унсури мавжуд.
- 4.Шарқона боғлар ландшафти
- 5.Табиат ва ландшафт орасидаги боғланиш.
- 6.Ландшафтнинг олтинчи унсури ва рельеф.
- 7.Ландшафтларнинг бўлиниши.
- 8.Ландшафт дизайнининг асосий мақсади.
- 9.Ушбу фан яна қандай асосий мутахассислик фанлари билан
чамбарчас боғланган.

Ўсимликлар элементлари асосида композицион

фрагментлар яратиш.

Инсон кўз карашларида атроф мухит янада жозибадор бўлишида ҳар хил турдаги япроқ ва нина баргли ўсимлик дунёсининг ўрни бекиёсдир.

Яшил дарахтларга, қўчатларга яхши шароит яратилганлик туфайли мавжудлиги шаҳар мухитига, жой хусусияти иқлимини яхшилашга, мунтазам намлик, ҳаво тарқбига, шамол режимига ва бошқаларга ижобий таъсир этади. Ландшафт объектларнинг шакллантиришда ҳимоя ва яшил дарахталарнинг фазовий-ташкилий функциясидан фойдаланилади. Фазовий моделлашдаги асосий компонент ландшафт дизайнинг воситларидан фойдалиниб, ўсимликларни гуруҳларга бўлиш ҳисобланади. Ўсимликлар уч турга бўлинади: дарахтлар, буталар, ўтсимон ўсимликлар.


Дарахтлар шох-шаббага, шохсиз пояга, илдизли системага эга. Буталар ва ўтсимон ўсимликлар ер усти ва ер ости қисмларга эга. Дарахтлар баланд пастлигига қарамасдан уч гуруҳга бўлинади: биринчи, иккинчи ва учинчи ўлчамдаги ўсимликлар.



9-расм. Дарахт, буга ва гул турларининг нафис ландшафт дизайни барпо қилиш.

Бундай градацияга дарахатлардан, буталардан, ўтсимон ўсимликлардан ва гул турларидан турли туман гуруҳлар ва кўринишлар яратилади. Ўсимликлар гуруҳини ўсимликларнинг биологик хусусияти, уларнинг архитектура-бадий тавсифини ҳисобга олиб танланади. Авваламбор ўсимликларни танлашда уларни маҳаллий иқлимга, тулрок шароити, намликнинг ҳавога тегишлилиги, инсоляция, ўсиш тезлиги эътиборга олинади. Яна бир асосий кўрсаткичга эътибор қаратилиши керак, бу ўсимликларни бирор бир ҳудудда жойлаштиришда уларни ўзаро бир бири билан уйғунлашган ҳолда ўсиб ривожланишига эътибор қаратилади.


Турли кўринишдаги аралаштиришнинг умумий тенденцияси биомустаҳкам ўсимликлар туркумига йўналтирилган бўлиши керак, қачонки ёнма-ён жойлашган ўсимликлар бир-бирига салбий таъсир ўтказмайдилар, яъни яқинида жойлашган ўсимликни ўсишига ва декоратив кўринишга ёрдам беради. Биофизик ўзаро таъсир кўрсатиш ўсимликни ёруғликга, иссиқликга, озуккага, намликка талаб этилишида акс этади.



I Баргли ва игнабаргли дарахшлар

Асосий тавсифлари:


- баландлик (H_1, H_2, H_3)
- шох - буталарнинг шакли ва ранги
- ўсим тезлиги
- умри узоклиги



II Баргли ва игнабаргли буталар

Асосий тавсифлари:


- баландлик (H_1, H_2, H_3)
- шох - буталарнинг шакли ва ранги
- ўсим тезлиги
- умри узоклиги



III Ўтақли (Ўтли)

Асосий тавсифлари:


- баландлик (H_1, H_2, H_3)
- гуллашнинг давомийлиги
- ранглар гаммаси




Биологик белгиларни назарда тутиб ҳолда
ўсимликларнинг классификацияси

Ўсимликларни шартли
белгилаш


	Қайин
	Рябина
	Мотнукутал
	Терак
	Акас
	Заранг
	Баргли буталар
	Игна баргли дарахтлар
	Игна баргли буталар
	Гурухлаб ўтказилган игнабаргли буталар
	Токли шох девор
	Бир йиллик ва кўп йиллик гуторлар
	Қирққулок




10.-расм.Дизайн яратишдаги ўсимликларнинг шартли белгилари




Манзарали даракт ва буталарнинг график тасвирининг кетма-кетлиги





Дарахтлар шох-шаббасининг манзарали шакллари



Ландшафт лойиҳасида фойдаланиладиган, даракхталарнинг асосий шохлари силуети (даракхталар тасвирининг силуетли услуби)

Биокимёвий ўзаро таъсир этиш ўсимликларнинг органларидан ажралиб чиқадиган, алмашув моддаларнинг ҳаракати туфайли вужудга келади. Микротупрок шароитларини ҳисобга олиш керак.

Туркумлашда ўсимликнинг ўсиш тезилигини ва кўпга чидашини эътиборга олиш лозим. Шу муносабат билан тез ўсадиган турларни секин

Ўсадиган билан ва ёруғликни севучи билан ёнма-ён ўтказиш мумкин эмас, ёруғликни севучи буталарни зич-томири бор дарахатлар остига экиш мумкин эмас. Дарахатлар ва буталарнинг ёши бўйича ҳам хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Ландшафт композицияларини шакллантиришда алоҳида эътиборни дарахтисимон-буталарни ўтказиш инсоляциясига муносабатни, яна уларнинг ўсиш тезлигига қаратиш зарур. Инсоляция картасининг таҳлилига кўра ҳар қандай ҳудуднинг жуда яхши ёртилган участкасини ёруғликни севувчи ўсимлик турларига мослаб (эман, заранг, шумтолбаргли заранг, шумтол, терак, оддий қарағай, қора ольха ва бошқалар) лойиҳалаш керак. Соя қилиб турадиган участкаларда соябардош ўсимликларни жойлаштириш керак (татар ва сохта каштан, арча, жўка дарахти, чинор, дўлана, шилви, калина ва бошқалар.).

Тез декоратив эффектга эришиш учун асосан қуйидаги тез ўсадиган ўсимликлардан лойиҳалаш керак: қайрағоч, шумтолбаргли ва татар заранг(клен), мажнунтол, яшил шумтол, тиканли арча, оддий қарағай, оқ акас, бирючин, дўлана, маржон дарахти, боғ ясмини, шилви, жийда ва бошқалар.

Рельефнинг геолпастикасини безатиш учун ўсимликнинг илдизлари тизими ривожланган, кўп микдорда сершоҳ ҳосил қиладиганлари участкаларда лойиҳалаштириш мумкин. Бундай ўсимликлар қаторига қуйидагилар қиради: дала заранги, татар заранги, сарик акас, оддий ўрмон ёнғоғи, иргай, дўлана, ингичка баргли жийда, тикансимон гледичий ва бошқалар.

Кўкаламзор ҳудудларни химоя қилишда дарахтлар ва буталарнинг қуйидаги навларини қўллаш тавсия қилинади:

шовқиндан сақлаш учун – оддий эман, кумушбарг заранг, оддий қайрағоч, йирик баргли жўка, оддий қорақарағай, татар заранги, сарик акас;

газдан саклаш учун — учтиканли гледичия, кулранг ва кора терак, канада тераги, оқ акаси, оқ тут дарахти, сабина арчаси, оддий бирючина ва бошқалар;

чангдан саклаш учун — патсимон сершоҳ кайрағоч, мажнунтол, каштан, кумушранг, татар, дала, ўткир баргли заранг, канада тераги, Более тераги, оқ тут дарахти, яшил ва оддий шумтол, сарик акас, оддий бирючина, ингичка баргли жийда, тобулға ;



11-расм. Боғ-парклардаги бутасимон тобулғанинг оппоқ гуллари

шамолдан саклаш учун ўтказиладиган ва худудни соя қилиш учун зич шоҳ-шаббали ўсимликлар танланади- каштан, ўткир баргли заранг, оддий корақарағай, бандли эман, кам баргли жўка ва бошқалар.

Ўсимликлар туркумини танлашда ўсимликнинг қурилиш элементларига қараб архитектура-бадий хусусияти ҳисобга олинади: яъни уларнинг баландлиги, шоҳларнинг шакли ва баргларнинг тузилиши . Авваламбор, баландлик бўйича фарқни ва турли дарахтларнинг шоҳ-шаббалари шаклининг тузилишини эътиборга олиш керак.

Дарахтлар баландилиги бўйича қуйидагича гуруҳларга бўлинади:

- бирламчи ўлчамдаги дарахтлар – баландлиги (25м дан баланд): оддий қорақарағай, оддий ва қрим қарағайи, бандли эман, ўткир баргли заранг , йирик баргли жўка (липа), боткок сарви ва лола дарахти;
- иккинчи ўлчамдаги дарахтлар – ўртача (10 мдан 25 м.гача):тоғ ва элдор қарағайи,виргин арчаси,ок тут,гўзал каталпа,сохта каштан, дала заранги, каштан, қора ольха, америка шумтоли ва бошқалар;
- учинчи ўлчамдаги дарахтлар – паст бўйли (10 м.дан паст): канада қорақарағайи,татар заранги,япон сафораси ипак акас, аргувон(канада багранниги),мажнунтол, оддий арча ва бошқалар.



12-расм.Сув сатҳига микроиклим намоён қилувчи мажнунтол

Манзарали-композицион кўринишини эътиборга олиб. 5 м.дан паст дарахтларни буталар билан бир гуруҳга киритиш мумкин, яъни 0,5м.дан 5м.гача баландлика эга бўлган (ингичка баргли жийда, паст бўйли япон беҳиси ва бошқалар).

Буталарнинг баландилиги бўйича ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- биринчи ўлчамдаги буталар – баланд (3-5 м.): дўлана, Семенов заранги (клен), ғарб ва шарқ биотаси, сарик акас, кора маржон, Гиннал заранги, сада қайрағоч, оддий калина ва бошқалар;
- иккинчи ўлчамдаги буталар – ўртача (1-3 м.): бирючина, сирень, бересклет ва бошқалар;
- учинчи ўлчамдаги буталар – паст (0,5-1 м.): Бумольда спирейси, япон спирейси, лаванда ва бошқалар.

Ландшафт композициялари фарқ қилиш (контраст) ёки нюанс тамойили бўйича шаклланади. Ўсимликларни ландшафт композициясига биологик, функционал ва архитектура-бадий талаб ҳисобидан қатъий танланади.

Ландшафт дизайнининг объектларини шаклланишида кўпроқ қуйидаги дарахт-бутасимон гуруҳлар қўлланилади: массивлар, ландшафт гуруҳлари, якка, (солитерлар), хиёбонга оид ўсимликлар, жонли деворлар, вертикал кўкаламзорлар ҳудудлар, гулли безаклар.

Массивлар - сезиларли даражадаги майдонларда ўсадиган, бир навли ёки кўп навли дарахталар ва буталарнинг қўшилиши. Массивлар, қондага кўра, ажратадиган ва ҳимоя қиладиган функцияларни олиб боради, ҳудудларни бўлишда, маскировкалашда, декоратив акцентлар фонини яратишда ва тез ўсувчи навлардан танлаб қўлланилади (ўткир баргли заранг, эманлар, шумтоллар, қорақарағайлар ва қарағайлар). Массивлар икки турга ажаратилади – оддий ва мураккаб.

Оддий массивлар бир турдаги дарахт баландлиги билан умумий декоратив белгиларидан иборат бўлади. Бундай массив оддий шумтол, бандли ва қизил эман, оддий қарағай, ўткир баргли заранглардан (клен) ташкил топиши мумкин.

Мураккаб массив дарахтлар баландлигининг ҳар хиллиги декоратив сифатлари турлича бўлишдан иборат. Икки ярусли массив қуйидаги туркумлашдан иборат бўлиши мумкин: биринчи ярусда қайин и оддий қорақарағай иккинчи ярусда; биринчи ярусда оддий қарағай ва майдабаргли жўка иккинчида; биринчи ярусда бандли эман ва иккинчи ярусда оддий граб

етилмаган маржон дарахти билан, бересклет. Массивда экинларни зич ўтказишни ҳисоблаганда, ҳар бир нусха эркин шаклланишига шароит яратиш, яъни дарахтлар бир-биридан 4-8 м оралиғида жойлаштиришдан келиб чиқиш керак.

Ландшафт гуруҳлари – дарахталар ва буталардан эркин композицияси. Дарахтсимон, бутасимон ва аралаш гуруҳларга ажаратилади. Гуруҳ таркибига 2-3 дан 10-12 гача бўлган ўсимликлар киради. Гуруҳлар контрастли ёки бир навли, қалин ёки сийрак бўлиши мумкин. Гуруҳларни тузишдаги кенг имкониятлар уларни ландшафт композициясидаги асосий элементлардан бири деб қабул қилинади. Гуруҳлар таркиби тупрокнинг тавсифи, ўтлар қопламаси ва тоза бўлиши, яъни бир навдан ва аралаш – бир неча навдан тузилганлиги билан боғлиқ бўлади. Дарахтларни тақсимлаш услуби бўйича ва навларини танлаш уларни зич ва сийрак (нафис) бўлади. Сийрак гуруҳлар қўпроқ қайинлардан, заранг (клен) дарахтидан, тут дарахтидан ва бошқалардан шаклланади. Зич гуруҳлар асосан эман, каштан ва тиканли қорақарағайлардан таркиб топади. Гуруҳларга тоқ сонли дарахталарни киргизиш ва шахматли жуфт жойлаштиришга рухсат берилмайди. Гуруҳларда дарахталар орасидаги масофа майда материалларда 1,5-2 м (кейинчалик яшаши билан) ва катта ёшда 3-4 м ва 5-10 м. Гуруҳларда дарахтларнинг мақбул сони – 3.

Рекреацион майдонларда букет гуруҳлари жуда ҳам самаралидир. Бундай гуруҳлар бир неча дарахт таналари (шумтол, терак, қайин, жука, каштан, эман) чиройли, зич шоҳ-шаббаларни катта диаметрни ташкил этади ва қуёшдан сақланувчи табиий соябон бўлиб ҳисобланади. Фазовийликни жалб қилишда, унчалик катта бўлмаган дам олиш ҳудудини ташкил этиш уни “ёпик”ликни ҳис қилишни яратиш мақсадида қўлланилади. Сохта гуруҳлар мўлжалланмаган объектларни безатиш учун қўлланилиши мумкин (ҳар хил маҳсулот қолдиқларини йиғиш, автомобиллар тўхташ жойи ва бошқалар).

Солитер (французчадан – “хилват, ёлғизлик” маъносини билдиради) – бу массивдан ёки дарахтлардан алохидан экилган алохида дарахт ёки бута.

Солитер усулида биологик тўлак ва декоратив маънодор дарахтлар, кўринишнинг максимал хусусиятини акс эттиришни ўзида ифода этиши керак. Солитерларни гуруҳлар ёки дарахтлар массиви, кичик меъморий шакллар, ўйингоҳ яқинига бевосита жойлаштиришда, албатта ушбу нусха контраст уйғунликдан иборат бўлишига интилиш керак.

Солитерларни жойлаштириш усуллари жуда ҳам турлича бўлиши мумкин. Якка дарахтлар унча катта бўлмаган ўтлок марказида жойлаштирилиши мумкин, бундай ҳолда у зич шох-шаббалар билан биринчи ёки иккиламчи ўлчамда бўлиши лозим. (булар қайин, каштан ва бошқалар бўлиши мумкин). Шохлари ёйилган дарахт сояси дам олиш майдончаси ёки ҳовузнинг соҳил йўлидаги жонлантиришни яратиш мумкин. Дарахт кейин келадиган ҳаракат тўсиқларига ёки йўлнинг айрилиш жойини яъни чорраҳага намоён қилишга хизмат қилиш мумкин. Якка дарахтларнинг жуда кўп миқдорда бўлиши уларнинг декоратив аҳамиятини заифлаштиради. Дарахт томашабинга, кузатувчига, боғ-паркларга ташриф буюрувчиларга қанча яқин бўлса, шунчалик унинг қидириб топадиган элементлари бўлиши керак; томошабиндан дарахт қанча узоқ жойлашса, уни танлашдаги эътибор унинг силуэт тасвирига қаратилган бўлиши керак. Томашабиндан якка дарахтнинг оралиғи кам деганда унинг икки баландлиги масофада бўлиши керак. Унча катта бўлмаган участкаларда қидириб топилган деталларнинг мақсадли нусхалари: оддий четан, оқ қайин, ўткир баргли заранг, қорақарағай ва бошқалар. Солитер ўтказмалар учун буталар одатда шохсиз поя шаклида фойдаланилади (оддий сирень, шумурт (черемуха), қор меваси ва бошқалар). Якка ўсимликлар ҳар қандай майдоннинг сокин дам олиш силуэтини ёки ўйин майдончасидаги шох-шаббаларининг оригинал шаклини бойитади (каштан, тикканли қорақарағай, сада қайрағоч) ёки муайян кайфиятни яратишга имкон туғдиради (ўйин майдончасига кираверишдаги кумуш заранг, дам олиш майдончасидаги декоратив бассейн олдидаги шохлари паттага эгилган мажнунтол)

Хиёбонли ўсимликлар турлари ҳар қандай фазовийликни режалаш тизимини аниқлашда, пиёдалар учун йўлкалар ва хиёбонларни турли ҳудудларини боғлаш учун лойиҳалашда қўлланилади.

Хиёбонларни қуйидаги тартибда ажратиш керак: хусусан аҳамиятли режалаштириш элементларини боғловчи; асосийлари – турли белгиланган мақсадли майдонларни ўзаро бирлаштирувчи; иккинчи даражали – турли туман киришга олиб боровчи; декоратив – унча катта бўлмаган дам олиш участкаларида кичик бир ҳудудини ташкил этиш. Хиёбонларнинг кенглиги уларнинг функционал вазифасига қараб, пиёдалар оқимининг интенсивлигига ва 0,75 дан 3,5 м. гача ўзгариб туришига боғлиқ.

Асосий хиёбонларга яшил экинларни ўтказиш, қоидага қўра, мунтазам услубда лойиҳаланади. Асосий ва иккинчи даражали хиёбонларни қўқаламзорлаштиришда мунтазам, аралаш ва эркин услубда ечиш мумкин. Эпизодик (вокса, ходиса) ҳаракат учун мўлжалланган, хиёбонлар, кўпроқ ландшафт услубида лойиҳаланади.

Хиёбонлар учун ўтказиладиган дарахтларнинг танаси бир текис, тўғри ва ростланган шох-шаббага эга бўлиши керак. Агар асосий хиёбоннинг чўзилиши 200 м бўлса, текис қатламда мақсадли, дарахтлар икки томонлама ўтказилади (жўка, чинор, заранг, каштан, терак ва бошқа дарахтлар). Агар хиёбоннинг узунлиги 300-600 м ва уни тез-тез иккинчи даражали йўллар кесиб ўтса, ҳар доим бир хил қаторлаб ўтказилган жойларнинг заифлашиб кетганини, таъкидлаб кўрсатиш керак.



13-расм.Хиёбонларни безашдаги сада қайрағоч.

Дарахтларни бурилиш ва кесиб ўтилган йўлларда, шохларининг шакли, барглارнинг ранги ва ҳажмиши бир-биридан фарқ қиладиган асосий ўтказмалардан ўтказилади. Хиёбон бўйида бир хил каторли ўтказмаларнинг – асосий хавф-хатари, уларни безатишдан келиб чиқади. Кенг, бош хиёбонлар бўйига сербарг шох-шаббали дарахтларни ўтказиш керак (эман, жўка, ўткир баргли заранг, каштан). Асосий ва иккинчи даражали хиёбонларни ингича баргли шох-шабба дарахтлар билан безатиш мумкин (пирамидасион терак ва эман , ғарб туясидан иборат дарахтлар).



14-расм. Боғ-парк дизайнида кумушсимон баргли карағай.

Кўпинча, хиёбонларга бир хил турдаги дарахталар ўтказилади, аммо айрим ҳолларда баландлиги ва шох-шаббасининг шакли бўйича кескин фаркланадиган турлича ўсимлик турлари билан алмаштириш мумкин. Дарахтлар орасидаги масофа 3 м.дан 6 м.гача, қайсики иқлимий хусусияти, тури ва ҳокозога қарамасдан тебраниб турадиган турларга эътибор қаратилади..

Хиёбондаги ўтказишга кенкос усулини тавсия этиш мумкин: бевосита йўлларни қоплаб (чуқурча) кўпкаторлаб ўтказиладиган дарахатларни квадрат ёки шахмат тартибида ўтказиш. Бу усул ўтиш майдонларини қискартирмасдан хиёбон устида мутассил сояни яратишга имкон беради.

Манзарали хиёбонлар дизайнини шакллантириш.

Жонли шоҳ деворлар икки ва уч қаторли ва ундан кўпроқ буталар қаторидан, шунингдек кўплаб экилган дарахт турларидан яратилади. Улар паст, (0,5-0,8 м), ўрта (1-2 м) ва баланд бўйли (2 м.дан баланд) бўлиши мумкин, баландлиги 50 см гача бўлган жонли деворлар бордюр (ҳошия) деб аталади. Ҳамма томонлари жонли шоҳ деворлар билан чегараланган, унча катта бўлмаган дарахтлар массиви, боскет деб аталади. У турли туман хиёбонларни яратишда қўлланилиши мумкин. Боскет ичида ўзига яраша шамолдан ва қуёшдан саклайдиган “яшил интерьер”ни яратиш мумкин.



15-расм. Боскетлар ва манзарали ўсимлик дунёси.

Жонли шоҳ деворлар, майдонларни изоляциялашда ва ҳудудларни белгиланган мақсадга мўлжалланган жойларда кенг қўлланилади. Қирқилган жонли шоҳ деворлар майдонларни ажратиш учун тавсия қилинади (унча баланд бўлмаган бутасимон эркин ўсадиган жонли шоҳ деворлар).

Энгсиз йўлқаларга туташган (1,5 м.гача), жонли шоҳ деворларни, яхшиси улардан 0,5-0,7 м. кенгликдаги тарам -тарам газонларни ажратиш керак. Қирқиладиган жонли шоҳ деворлар, майдонларни чегаралайдиган, 1,4-1,5 м кенгликдаги уч қаторли буталардан, йўлқаларнинг бошқа томонлари

эса ва газонларнинг ташқи томони – 1 м кенликдаги икки каторли буталардан яратилади.



16-Яшил майсалардан ҳайвонлар тимсолининг дизайни.

Турли геометрик фигура кўринишидаги, ҳайвонлар тасвирига ўхшатиб қирқилган буталарни рекреацион майдонлар учун тавсия қилиш мумкин ва лойиҳаланаётган муҳитга турли туман жиддий ўзгариш киритиши мумкин. Қирқилган жонли шох деворлар ўйин қурилмаларини яратишда қўллаш мумкин.

Гулли композициялар икки асосий турга бўлинади: мунтазам ва ландшафтли.

Мунтазам композицияларга қуйдагилар киради: партер, гулларнинг туркумлари, гулзорлар, рабатка, бордюрлар, модулли боғчалар, вазалар, гулдонлар ва бошқалар. Мунтазам гулли композициялар аниқ геометрик ташқи кўринишларни тасвирлайди.

Партер ўзида фазовийликни очик қисмини, текис рельефда жойлашган, геометрик тўғри шаклга эга бўлганлигини ифода этади. Одатда партер тўғрибурчак шаклда томонларнинг $\frac{1}{3}$ дан $\frac{1}{7}$ гача ўзаро нисбатида бўлади.

Партерларга асосий талаб уни кўз билан бирламчи ва тўлиқ камраб олишдадир. Яхшиси жами партер бир неча баланд кўтарилган ёки иншоотдан узунаси тўғри келган ўқ билан асосий кўриш нуктасининг кўздан кечирмоқдир. Партерларнинг уч типи мавжуд: газонли, гулли ва аралаш.



17-расм. Партерли гулзорлар

Партер, газон билан безатилган, газонли, гулзорли, гулли деб аталади. Аралаш типдаги партерларда газонларга 40-60% ни, гулзорларга эса – 15-20% гина эътибор қартилади. Газонли партер хайкалтарошлик билан, вазалар, кўкламзорларнинг шаклга киритилгани билан бойтилиши мумкин. Унинг композициясига тўғри ёки нотўғри шаклли ҳавзаларни ҳам киритиш мумкин.

Гулли туркумлаш – бу, , тўғри айланили, квадратларни, тўғриучбурчакларини, яна нотўғри геометрик шаклларни ҳосил қилдаган бир навли декоратив ўсимликлардан таркиб топган композиция.



18-расм.Боғ-парклардаги гулзорлар дизайни.

Рабатка - йўллар бўйидаги бульварларда ва кўчаларда партерга гуллардан энгсиз тарам-тарам йўл. Узунаси бўйича қисқа (2-5 м) ва ўрта (7-9 м) рабаткаларга бўлинади. Унинг кенглиги ўсимликдан фойдаланишга боғлиқ ва ўзгарувчанлиги 0,5 дан 2,0 м.гача.



19-расм.Рабаткали гулзорлар

Профили бўйича рабаткалар бир томонли ва икки томонли бўлади. Уларни бир йиллик ва икки йилликдан, паркларда – кўп йилликдан яратилади. Рабаткалар ҳамиша бир хил ва статик.

Катта қўламликка аниқланган интервал орқали паст ўсадиган буталар киритилади. Уларни чегараланиб ётқизилган тарам-тарам йўлнинг кенглиги

0,5м дан кам бўлмаган газон билан ажратилади. Йўлга якин рабаткалар учун гулларнинг анчагина нозик бўлган навларидан фойдаланилади. Сезиларли масофадаги кўриниш учун мўлжалланган, рабаткалар учун, кўп йиллик жуда кўп гуллайдиган, куюк гуллар билан, яъни зич килиб жойлаштирилган гуллар экилади.

Клумба (гулзор) - кайсики, шундай ва партердагидек ҳам, қатъий геометрик шаклларга, аммо сезиларли кам майдонли, йирик бўлинишдаги оддий тасвирга эга гулзордир. Уларни бир йиллик ва икки йиллик гулли ўсимликлардан яратилади. Кейинги вақтларда кўпроқ кўп йилликлардан фойдаланилмоқда. Паст ўсадиган, ихчам, зич тўйинган фактурали кўзга ташланадиган килиб бўялган – ўсимликлар қўлланилади.



20-расм.Майсазор фонидаги клумбалар

Клумбалар оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий клумбаларга бир кўринишдаги гулли ўсимликлар экилади – астра (кўконгул), шойигул, картошкагул, цини ва бошқалар; мураккабда эса – икки-уч кўринишдаги ёки навдаги ўсимликлар. Агар клумба кенг бўлса, клумбанинг бир томонига энг кўп кўринадиган, қарама-қарши томонга – бир қадар майда, олди планга эса – жуда кичина ўсимликларни ўтказиш тавсия этилади.

Ваза ва гулдон ўзиларида, қандай-ёки сифимдаги ўсимликлардан композицияни ифодалайди. Улар учун– ранг-баранг, йирик бўлакли гулли ўсимликлар қўлланилади. Йирик вазаларга ва гулдонларга декоратив-баргли,

кўп йиллик, кичинагина буталар, кичикрокга – гуллар киритилади. Вазалар ҳар қандай турли туман архитектура-ландшафтли композицияларни ўз ичига олади.

Бордюр - кенглиги 10-30 см.ли бир ёки икки қаторли паст гулли ўсимликлар аниқ кўринишли ёки навдан ташкил топган энгсиз йўл. Бордюрлар билан клумбанинг четини ёки рабаткани, яъни уларнинг ташки кўринишини ажратиш учун безатилади. Ҳозирги кунда бордюрларни тошдан, ғиштдан, бетондан қилиш афзал кўрилмақда.

Арабеска – геометрик шакллардан таркиб топган, партерларда ва клумбаларда фойдаланиладиган бир номли гуллар ёки уларнинг таркибий қисми.



21-расм.Арабескали кўриниш дизайни

Модулли боғ – геометрик тўғри конфугурация элеменларидан ташкил топган гуллар композицияси. Унча катта бўлмаган модулли участкалар бетон плиталардан ётқизилиб, ора-сора жойланган бўлиши мумкин. Модулли участкаларда паст ўсадиган буталардан, декоратив-баргли ўтли ўсимликлардан, гуллардан композициялар яратилади. Айрим ҳолларда гулли фон яратиш учун майда тош, чиғаноқ, шағал ва бошқалардан фойдаланилади. Яшил кўчатлар ҳажмли элементлар билан қўшилади: декоратив панеллар, сувга ботган дарахталар, тўнкалар ва бошқалар. Плита ётқизилган гулзорлар ўртасида, грунтларни белгилашда плиталарнинг юзасидан паст бўлиши керак.

Моносад – бир кўринишдаги ўсимликлар боғи. Моносадга атиргуллар, лолалар, картошкагул, пўпанаклар боғи ва бошқалар киради. Майсазор фонида гулзорларга атиргуллар ва яна плитали ва шағали ётқизмалар ўртасига ҳам атиргуллар экилади. Уларни майсазорларга эркин гуруҳли ёки геометрик конфигурацияда жойлаштириш мумкин. Йирик атиргул экиладиган гулзорлар алоҳида участкали йўлқалар ва яна дам олиш майдончаларини ўз ичига олишлари мумкин. Уларнинг безатилишида хайкалчалар, фавворалар, декоратив ёритгичлар, гулли ҳошиялар, альпинарийлар, рокарийлар, гулли ялангликлар, ўтзорлар киритилади.

Ландшафтли гулли композицияларни табиат муҳитига ўхшатиш учун яратилади. Гулли гуруҳлар миксбордерлар, гулловчи майсазорлар, якка экинлар, гулли ҳошиялар тасвирлаш тартибидаги эркин рангтасвирни тавсифлайди. Улар буталар, дарахтлар, сувли қурилмалар, геопластика элементлари билан қўшилиб яратилиши мумкин. Ҳозирги кунда миксбордерлар ва гуллардан ва тошлардан тузилган композициялар жуда кенг тарқалган.



22-расм.Миксбордерни майсазор фонидаги дизайни


Миксбордер – бу ранг-баранг ва ўзгача кўринишдаги гуллардан ажралмаган ҳолдаги гулли безатиш. Унинг тузилишдаги асосий тамойил –

турли-туман ўстиришда (маданиятда) кўп маротаба (эрта баҳордан то кеч кузгача) гуллайдиган, яъни бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликларнинг турларини ва навларини аниқ танлашда эришилади. Кўпинча миксбордерларга 10-25 номдаги ўсимликларни ҳисобланади. Айрим ҳолларда миксбордер майда тош ва шағал билан қопланган тошли йўлкалар ёки участкалар билан тўхтатилади. Композиционли миксбордер текисликда ва поғаналик кўринишида ечилиши мумкин. Гуллар ва тошлардан тузилган ландшафтли композицияга қуйидагилар тегишли: минирокарий, миниальпинарий, клумбалар (нотўғри эркин шакллар), тошли деворлар, рокарий, альпинарий, мореналар, альп ўтлоклари, альп ва тошли боғлар.

Минирокарий – (Кичик ҳажмли) – декоратив контейнерларга ёки махсус яратилган сигимга жойлаштириш мумкин бўлган, модул гулдонлар типи. Бундай тошли композициянинг оригинали шундан иборатки, яъни у тўлиқлигича катта рокарийни асл қиёфасини, ўлчамининг мос равишда и фойдаланилаётган ўсимликлар ассортиментини қайтаради – булар накана навлар и секин ўсувчи тунпок катламига оид турлари. Бундай ландшафт композициясининг мажбурий элементлари – туфли тошлар уларга экилган ўсимликлар.

Миниальпинарий композициясида фақат баланд тоғли флорали ўсимликлардан фойдаланилади.

Клумба – тошлар гуруҳи билан унча катта бўлмаган ўсимликлар гуруҳи ёки якка нусхалар билан алмашинадиган, ландшафтли композиция. У мураккаб ландшафт боғи ёки алоҳида ландшафт қисмининг элементи бўлиши мумкин. Тошли боғ – асоси тош устунлик килувчи, махсус ландшафтли фазовийликда ташкил этилган. Бу боғларнинг эстетикаси сунъийликни ва симметрикликни рад қилади.



23-расм. Тошли боғлар дизайни

Шартлилик билан тегишлича стилистик тошли боғларни:

- ландшафтли , қайсидир тоғли ёки бошқа табиий пайдо бўлган ва унга ўсимликлар туркимига мос келувчилик кўринишини моделлаш;
- бадий (фантазияли, манзарали), аслидай қилиб ўйлаб топилган ёки тоғ жойлар образини идеаллаштирилган;
- коллекцияланган, фақат ўсимларни ўстириш учун қурилган аниқ муҳитда – жуда катта профессионализм талаб қиладиган, хусусан мураккаб вариантларга бўлиш мумкин.

Рокарий- эркин шаклда қандай счилса, шундай мунтазамликда ечиладиган, текис ёки тепаликдаги тошли боғ.

Рокарийлар учун бир турдаги тошдан, имкониятга қараб дағал ишланган (оҳақтош, қумтош, порфит, гранит, чиғаноктош), бир неча йирик тошли бўлак ва катта миқдордаги майда тошлардан композиция ташкил этилади.

Рокарийлар учун ўсимликлар ранглар уйғунлиги билан бирлашган ва ландшафтнинг бошқа элементлари билан ўзаро мослашган ҳолда танланади



24-расм. Боғ-парклардаги рокарийларнинг кўриниши.

Альпинарий – табиий ёки сунъий рельефда тирговучли девор билан қўшилиб қуриладиган, унча катта бўлмаган сув иншоотлари тоғ ландшафтлар ўсимликлари билан танланган, ландшафт композицияси. Альпинарийларнинг шарқий ёки шимолий-шарқий қияликларда жойлаштириш жуда яхшидир. Унинг яратилишида табиий тош, майда тош, кумдан фойдаланилади, гулларни эса пўпанак билан, буталар, пакана дарахталар билан тўлдирилади. Альпинарийларни иложи борича, чиройли фон ва табиий ўраб олинган муҳитга эга бўлиш учун, бўшроқ жойлаштириш мақсадга мувофиқ. У учун - майсазор жуда чиройли фондир.

Морена (тоғ жинслар уюми) - йирик силлиқланган ва майда валунлардан тупроқли қориниша ва шагалар асосида вужудга келган, сунъий тошли қурилма. Морена альп ва тошли боғлар элементи бўлиши мумкин, ҳажмга қарамасдан ўзида унча катта бўлмаган харсанг тошларни тассавуруни берадиган ёнбағирларда, хусусан қимматли ва инжик ўсимликлар ўстирилади. Морена ҳеч қачон сернам бўлмайди ва ҳеч қачон қуриб қолмайди.

Альп ўтлоқзори – баланд тоғ ўсимликлари туркумини имитация (таклид) қилади. Мустақил композиция сифатида амалда қўллаш мумкин эмас, аммо элемент сифатида альп боғи композициясига кириши мумкин.

Фойдаланилаётган турларнинг ассортименти жуда спецификдир ва фақат баланд тоғ минтақасининг ёввойи ўсимликларини ўз ичига олади.

Альп боғи — (баланд тоғли альп ўсимликларини, табиийликка яқинлаштириш шароитини кўрсатиш учун махсус ташкил этилган ландшафтлик макон. Альп боғларини табиий тоғли участкаларда қуриш ва паст бўйли жуда кўп, ранг-баранг гулловчи ўсимликлардан яратиш маъқулдир. Ўзининг режавий тузилишида у альп флораларидан турли-туман композицияларни (миниальпинарий, альпинарий, альп тепаликлари, альп ўтлоқзори ва бошқалар), яна шунингдек пиёдалар ва декоратив йўлчалар тизимини киритиши мумкин. Кўплаб альп ўсимликлари плиталар ёки йўлчалар тошлари орасидаги ковакда ўсиши мумкин.



25-расм. Тоғли ўсимликлар дивайни

Тошли девор - тошлар ва гуллардан ибрат ландшафт композицияси. Кўпинча у қияликларни ёки пешайвонларни безатишда хизмат қилади. Унинг ландшафт беағида асосан ампель ўсимликларидан фойдаланилади.

Ландшафт дизайн элементларида сувларни (иншоотларини) қўллаш

Сувларнинг статистик эффект таркибидан ҳовуз ва қўлларни ташкил этишда ҳам фойдаланилади. Ҳовузлар ҳам табиий ва сунъий ташкил этилиши мумкин. Ҳовузларни шакллантиришда санатар-гигиеник, гидрологик ва эстетик томондан кўрсатилиши талаб этилади.

Жилғалар – кичик сув иншоотлари шаклларига тегишлидир. Бу шакли бўйича табиий намунага яқин бўлган, унча кенг бўлмаган очик сув оқимларини эгри-бугри ўзани билан чўзилган. Сунъий жилғаларни ташкил этишда табиий жилғаларнинг кўриниши турли туман шакли, жойнинг характер-рельефи ва турларининг қўшилишидан вужудга келиши билан боғлиқ.





26-расм. Боғ – парклардаги манзарали жилғаларнинг кўриниши

Жилғалар соҳилининг ташқи кўриниши оқаятган сув ости ерида акс этиши керак. Текис рельефда ва турукнинг осон ювилиб кетилиши жойида уларни сохилга нисбатан паралел эгри-бугри қилиш керакдир. Ўзанларнинг кенглиги ер юзасининг турли қияликларида алмашинади: қанча кам қиялик бўлса, жилға шунча кенг бўлади ёки аксинча. Турли қияликлардан тез


оқимларда ва сокин сув қўлтиқларининг алмашилишида фойдаланиш лозим. Жилғалара орасида узунасига чўзилган оролчалар ёки қумлоқ саёзлар учраши мумкин. Қайсики сув кам жойларда, тошлардан ўтиш жуда эффектлидир, қуриш тавсия этилади. Тошдан ташкари, жилға соҳили бўйлаб чим босиш ва мос келувчи буталар, ўтлар, гуллар билан безатилади.

Шаршара сув оқимининг йўлида турли даражадаги сезиларли ўйик жойларида бўлган, тоғли жойларда тикка қияликда оқувчи, жилғанинг ўзанида пайдо бўлади. Шаршаранинг эффекти унча катта бўлмаган поғонали сув туширгичлар билан таққосланганда баландлиги, кенглиги ва шиддат билан пастга оқишида яқунланади (шаршара бўйи узунлигида 1,5-2 м дан кам эмас). Схеманинг жойлашиши ва шарашаранинг тизиллаб оқиши тасвири бўйича ўзгача декоратив эффект хусусиятига эга бўлган, бир неча типларга ажратиш мумкин. Шаршаранинг шариллаб оқадиган шаклини сув ташлайдиган тош йўналиши орқали аниқланади.





27-расм.Классификация ва сув қурилмаларининг асосий тавсифи



ФАВВОРАЛАР ОТИЛИШНИНГ ТИПЛАРИ:

А - АРХИТЕКТУРАВИЙ ЎЧИМ УСУЛЛАРИ. Б - ФАВВОРАЛАР ОТИЛИШНИНГ ДИНАМИК УСУЛЛАРИ

1. ЁЙИЛИБ КЕТАДИГАН, 2. МАЪЛУМ ШАКЛГА КИРИТИЛГАН,

3. ТўЛИҚ ЗИЧЛАНГАН, 4. САЪРАТИБ СЕПИЛАДИГАН




28-расм. Сув қурилмаларининг конструктив ечими

Боғ-парк дизайнида шаршаралар ва фаввораларни акс эттириш.

Томонлари текисланган ва катта юмолук ясси тош, томонларга чекланган ёнбошдаги ётқизилган тошлар, ундан сувнинг шиддатли оқими пастга тушувчи силлиқ-кўзгули шаффофи қўшимча кенг шаклдаги катлам сирпанишига имконият беради

Шаршаранинг кучли монолит оқимини, агар баланд камарларидан сувнинг катта ҳажмини тошлар орасидан, ҳар бир ёки икки энгиз тешиклардан яратиш мумкин.


Катта эътиборни оқим тушаётган жойни безатишга, қайсики шарашара композициясининг муҳим декоратив элементи бўлиб хизмат қилишига қаратиш керак. Бу ерда рамкага солинган қўл манзаравий ташкил этилади, яъни тушадиган сув оқимини ажаратиш учун тошлар ётқизилади.



29-расм. Каскад поғонали шаршаралар.


Каскад (поғонали шаршара) - сув оқимини унча катта бўлмаган, бир неча даражадаги, вертикал бўйлаб оқадиган ёки енгил эгилган текисликда декоратив деворлар учун махсус яратилган сув туширгичлардан ташкил этилади. Худуднинг ҳатто аҳамиятсиз бўлган қияликдаги бир бутун тизимнинг турли манзаравий кўринишидаги каскадларнинг ўзгартирилган

йўлидаги катта-кичик шаклли тошнинг ва уларни турли ётқизилишида
фойдаланишда тавсия этилади.



30-расм.Зинапоясимон шаршараларни чизмада тасвирлаш.

Фаввора – катта декоратив эффектга эга бўлган шиддат билан юқорига
кўтарилиб отилаётган сувнинг, жилваланишига ва ҳаракатланувчи кўпикга ва
эгилиб турадиган сув натижасидаги, сунъий сузли курилма. Фаввораларнинг
тузилиши жуда ҳам эффектлидир ва функционал нуктаи назардан ўзини
оқлайди.



31-расм.Боғ-парк манзарали элементларини кўриниши.

Улар салқинлатади ва ҳавони тозалайди, манзарага турли кўринишни киргизади. Фаввораларнинг ташқи беағи архитектуравий услубда ҳам ва фаввораларнинг тиззилаб оқиши тасвирида ҳам турлича бўлиши мумкин, оддий тиззилаб оқиб кўтарилишидан бошлаб сувнинг юза фонидаги, хайкалтарошлик билан бирга бой декоратив кўрилмасигача. Фонтаннинг архитектуравий-бадий ечими архитектура муҳитига жойлаштириш характери билан боғлиқ бўлади.



32-расм. Кичик архитектура ландшафтига эга фаввора.

Фавворанинг кўриниши бўйича элементлари тизилиб оқётган кўринишида бўлиши: уларнинг баландлиги ва қиялиги, турлича ўзаро жойлашганлиги, сачратиб туриш услуби. Тизилиб оқиш, сувнинг устуни ва сачратиб туриши, алоҳида томчилар, поғоналар, товланишлар ёки сувнинг пастга оқувчи оқими жуда катта турли кўринишни яратиш мумкин.

Фавворолар икки асосий типга бўлинади:

- шариллаб оқадиган, бунда сувнинг тезоқарлиги асосий декоратив элемент бўлиб хизмат қилади;

- хайкалтарошликка оид, бу ерда тез оқар сувлар хайкалташорлик билан ёки декоратив шакллар билан уйғунлашади (коса, раковина ва бошқалар).

Айниқса ёруғ-мусикавий фавворалар эффектидир, қайсики тўртта компонентларнинг синхрон ўзаро ҳаракати — сувларнинг тезоқар динамикаси, турли ёруғлик нурлари, ранг ва мусикалар — унутулмас тассурот яратади.

Фавворанинг техник тузилиши ўзида қийин муҳандислик қурилмасини ифодалайди, сув босимини тартибга солишга асосланган ва сувни етказишда, трубанинг чиқарувчи тешикдаги турли насадкаларини қўлланилиши.

Фавворанинг катта-кичиклигидан қатъий назар унинг композицион аҳамияти ўзгаради. Ундан доминанта, фокус ёки акцент сифатида фойдаланиш лозим.

Декоратив бассейнлар турлича шакллар ва ўлчамга эга, одатда унинг майдони 2 дан 5 кв.м. гача ўзгариб туради. Бассейнлар рокарий билан, жилғалар ёки декоратив девор, шарашаралар ёки каскадлар билан бирлашган бўлиши бўлиши мумкин. Унинг ўртача чуқурлиги 0,4-0,5 м, бассейнлар учун ўсимликлар билан бирга 0,05-0,5 м (аниқ бир ўсимликнинг тури жойлаштирилганда бунда ҳам катта бўлиши мумкин), оқувчанлиги — 0,2 м/с дан ошмаслиги ёки сувни ойда 1-2 марта бутунлай алмаштириш.

Сув ўсимликларини гуруҳлар бўйича жойлаштириш керак, майдонинг йиғиндиси бассейн майдонининг 30% дан ошмаслиги керак. Бассейн қуришда кумли ерни бетонлашдан аввал дағал шағал ва бетондан фундамент қўймоқ тасвия этилади, чунки шағалнинг чўкиши вақтида сувўтказувчи қатламларга шикаст етказмаслик муҳимдир. Сувўтказишларга эришиш учун авваламбор ўн сантиметрлик бетон қатлами ётқизилади, унинг устига симдан ясалган арматура ва ундан кейин яна бетон қатлами қўйилади.

Мақсадга мувофиқ, бассейн девор устидан 3-5 см осилиб туриши ва қисман бетонни ёпиш учун, бассейн четларининг ҳаммаси бетон аралашма билан текис табиий тошлар ётқизилади, Бардюр остидаги тошлардан, сув

юзаси даражасини аниқловчи, сув тушурувчи трубалар жойлаштирилади. У сув аксини ва доимо сув сатҳи билан таъминлашни эффектив яртишда керак. Декоратив бассейнларнинг шакли нафақат тўғри геометрик, ва яна умумий композицион ечим жиҳатидан ташқи кўриниши эгилувчан бўлиши мумкин. Ён деворларини гранит, охакатош, мрамор, шунингдек керамик плиталар билан қопланади. Айрим ҳолларда зангламайдиган пўлат ва дюралюминийлар ишлатилади. Кечки вақтда декоратив бассейнларни турли туман ёруғлик манбалари билан ёритилади. Бу бассейнларнинг сувлар горизонтини худудга битта белги билан жойлаштириш, архитектуравий тушуниш нуқтаи назардан эса у баланд бўлиши, ва ердан паст даражада бўлиши мумкин.



33-расм. Манзарали бассейнлар

Сузиш учун бассейн рекреацион муҳитни шакллантиришда интерьерда ҳам ва шундай экстерда ҳам кенг фойдаланилади. Сузиш бассейнларининг жойлашиши эркин кириш йўлини таъминланиши керак. Кириш учун сувга махсус зинапоялар, сувга сакраш учун мумкин қадар махсус қурилма жойлаштириб, ўрнатилади.

Бассейнларнинг узунлиги мақсадга мувофиқ, унинг кенглигидан тахминан икки марта катта бўлади. Шу билан бирга қурилма узунасининг ўқи йўналишини ғарбдан шарққа жойлаштириш керак. Бассейннинг макбул ўлчамлари, коттедж қурилишларида, уй олдида, бир оила яшайдиган жойда жойлаштириш - 6х3х1,8 м.

Ховузларни айниқса мақсадга мувофиқ яратиш, уларга коттеджли тизимлардаги режалаштиришни, шунингдек хусусий қурилишларни киритиш мумкин. Бундай ҳолларда уларни умумий дам олиш ҳудудини яратишда фойдаланиш мумкин (бир неча коттеджлар учун). Умумий композицияга кирувчи ховузлар ва декоратив бассейнлар, коттеджни яна ҳам ўзига диққатини тортувчи ва самарали қабул қилинишидир. Бундай ховуз утилитар функцияни ҳам бажариши мумкин – участка сиртига (ерига) ёмғир сувларини йиғувчи жой бўлиб хизмат қилади. У бевосита архитектуравий коттедж билан гармоник бир бутунликни ташкил қилиши керак. Бу ерга махсус зинапоё билан сувга тушиш учун ва унча катта бўлмаган сакраш учун вишка билан жиҳозланган, шундай вариантки у сузиш бассейни вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қиладиган, сув бўйида дам олиш майдонини жойлаштириш мумкин.

Сув мосламаларининг конструктив ечими турли туман бўлиши мумкин. Айниқса, муҳандислик нисбатидан қараганда сув мосламаларининг мураккаблиги фаввора ҳисобланади, унинг архитектуравий бадий ечими муҳандислик мосламаларининг характерини олдиндан белгилайди. Фаввораларни лойиҳалашда бирламчи энг жиддий саволлардан бири – бу сув таъминотидир. Агар фаввораларда, композициянинг асосий қисми хайкалтарошлик бўлса, сувнинг нисбатан унча кўп бўлмаган миқдори сарфланади ва уларнинг сув таъминотини шаҳар водопроводлари таъминлаши мумкин, улкан (катта) фавворалар жуда катта сув миқдорини сарфлайди. Шу билан бирга сувнинг катта сарфланишини орқага қайтариловчи сув таъминоти билан ҳам ташкил этиш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда фавворага яқин жойларга ер ости резервуар билан насосли станция қурилади. Сув фавворага насос орқали узатилади ва трубалардан резервуарга қайтиб оқиб тушади. Ҳозирги вақтда ҳаттоки унча катта бўлмаган фаввораларни яратишда сув таъминотинининг орқага қайтарилишидан фойдаланилади. Бу вазифаларни муваффақиятли ечишда катта турли туман замонавий насосларга рухсат этилади. Фавворларда қайтариловчи сув

таъминотидан фойдаланиш, амал қилиш мақсадга мувофиқдир, резервуарга албатта, шамол олиб кетган сарфга, бир кунлик сарф 0,5-2% ва буғланиш ташкил этади (0,5-1% сувнинг бир кунлик сарфи), сув ҳажмини қўшиш. Бундай ҳолатда насоснинг барқарор ишлашини таъминлаш учун сувнинг доимий мувозанатини ушлаб туриш керак.

Кишки даврда фавворанинг косасини ҳоли қилиш учун сув чиқариш жойига унинг туби 0,005 нишаб билан лойиҳаланади. Фавворалар декоратив ҳовузлар уйғунлиги билан бирга лойиҳаланиши мумкин. Декоратив ҳовузларнинг конструкцияси турли туман бўлиши мумкин. 1 м гача диаметрға эга бўлган, оддий декратив ҳовузнинг чуқурлиги 20-50 см бўлиши керак. Авваламбор, у учун керакли ўлчамда кия қирғокли котлован казилади. Остига яхшилаб эзилган 10-15 см лой қатлами ётқизилади, ундан кейин сув билан бирга уни текисланади ва қуришга қўйилади, сўнгра эса 10-15 см иккинчи лой қатлами ётиқизилади, унга майдаланган тош ёки шағал тўкилади ва шиббаланади. Гидроизоляция билан қўлланилган декоратив ҳовузни ҳам яратиш мумкин (полиэтилен юпка қатламдан). Уни бир неча қатлам қилиб кумға тўшалади (10 см) ва устидан майда тош сепилади (10-12 см).

Анча мураккаб мослама ва декоратив ҳовузни альпинарий билан жиҳозлаш ҳисобланади, доимий циркуляция тамойили бўйича ҳаракатланувчи шаршараларнинг тизими сувнинг ёпик ҳажмидир. Бу ерда кам қувватли электр насослардан фойдаланиш керак. Насос, шаршарадан сувни олиб, шланга ёрдамида уни юқорига қўтарилган альпинарий жойига йўналтиради, бу ердан у ўз оқими билан тошлар кетидан, сунъий микрошаршарани пайдо қилиб, оқиб чиқади. Бундай қурилманинг характерли хусусияти – сувни севувчи ўсимлик билан, унда очик нов (саёз идиш)ни жойлаштиришга мўлжалланган, ҳовузнинг ички периметри бўйича туртиб чиқан жойининг борлиги унга ёрдам беради.

Котлованни казишда чиқарилган тупрокдан, альпинарий кияликларини тўлдиришда фойдаланилади. Ҳовузнинг ости текисланади ва бир неча

қатламли гидроизоляция билан копланеди (полиэтилен пленка). Шундан кейин арматурани сетка кўринишида ётиқизилади ва 12-15 см қатламли бетон тўлдирилади. Ҳовузнинг ички томонини 1:2 нисбатдаги, 1-2 см қатлам цемент-қум аралашмалли тортма билан, кейин эса темирли жисмлар ёрдамида сайқалланади.

Остоналарга ётқизиладиган табиий тошлар ҳам, қоришма билан мустаҳкамланади. Ёғингарчилик даврида сув қуйилишидан сақланиш учун ҳовузни филтрли куйиш трубалари билан жиҳозланади, қайсики ортикча сувни ўз оқими билан кетадиган, 1х1м ўлчамли ва чуқурлиги 1,5-2м сингдирилувчи ўра-қудукқа, ўртаси йирик харсангтошлардан тўлдирилган, сув чиқариб юбориладиган трубанинг охирига олиб борилади. Сув ютувчи ўранинг бошқа майдонига йирик шағалтош, майда харсангтош ёки шлаклар солиб тўлдирилади. Ўранинг уст томонини нам ўтказмайдиган қилиб изоляцияланади ва 40 см қатламли тупроқ солинади. Сув туширгич насос шлангасини жойлаштиришни ва электр кабелни яширинча ёки унча билинмайдиган қилинади, уни тупроқ, тошлар ва яшил ўсимликлар ёрдамида никболонади.

Сузиш бассейнларининг конструкцияси уларнинг функционал вазифаси билан боғлиқ. Бассейнлар чуқурлиги бўйича 2 қисмдан иборат: бассейн типига қараб, саёз ёки чуқур бўлиши мумкин. Масалан, чўмилиш бассейнларининг чуқурлиги саёз жойларда 0,7-1 м ни, чуқур жойларда – 1,5-2 м ни, ташкил этади, спортга оид бассейнларда тегишли равишда – 1,0-1,2 м ва 2,5-4,5 м. Бассейнларнинг вазифасига қараб майдонларнинг саёз ва чуқур қисмлари аниқ ўзаро нисбатга эга. Бассейннинг чуқур қисми 1,5 м дан ошмаган чуқурлик ҳисобланади. Бассейнларнинг саёз ва чуқур қисмларининг ўзаро нисбати сузиш бассейналари учун: саёзларда - 75-100% , чуқурида - 0,25%; спортга оид бассейнлар учун: саёзларда – 0-30%, чуқурида-70-100%, болалар бассейнлари учун майдонинг саёз қисми – 100% ни ташкил этади.

Ёзги сунъий бассейнларни тўлиғича ёки қисман тупроққа чуқурлаштирилиб барпо қилинади, бу билан бирга албатта бассейннинг туби

ва деворлари гидроизоляцияланади. Бассейннинг атрофига аксар етарли даражада дренаж (ернинг захини кочириш) қурилади. Сувнинг алмашинув режимига қарамадан бассейнларни рециркуляция билан ажратилади, яъни сувни тозалаб ва дезинфекциядан кейин бассейнга қайтариш; вакти-вакти билан сувнинг барча қўламини янгилаш ёки оқувчи сув билан алмаштириш. Рециркуляция, қачонки бассейнда керакли юкори сифатли сув бўлмаганда қўлланилади. Бундай ҳолда сувнинг тозаланганлиги ва дезинфекциялангандан кейин бассейнни сувдан ҳоли қилмасдан бир неча ой фойдаланиш имконини беради. Сувни алмаштиришда рециркуляцияни қўлланилмаса сувни ҳар куни бутунлай ёки узлуксиз сув алмаштирилади. Оқарсувнинг алмашинуви бассейнга сувнинг тўхтовсиз узатилиши соатига 25-30% ҳисобидан янгиланишидир. Бассейнларнинг сув тақсимои манбалари очик ҳолатда бўлиши мумкин (дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқалар) ва тупроқ таркибидаги сувлар ёки шахар водопроводларидаги сувлар.

Бассейн учун сувнинг ҳисоб чиқимлари бассейн ҳажмига, сув алмашинув тизимига ва бассейнни тўлдириш режимига қараб ажратилади, аммо барча ҳолларда сувни буғланишини, сепиб юборилишини ва чўмилиувчилар томонидан олиб кетилишини ҳисобга олиш керак. Бу йўқотишлар бассейн ҳажмининг суткадаги 1,5-15% ташкил этади.


Бассейн резервуари, қоидага кўра монолитдан ёки йиғилган бетондан бажарилади. Ҳозирги вақтда, анча осонлаштирилган ва уларнинг қурилиши арзонлаштирилган пластмасса бассейнлардан фойдаланилади. Унинг ички томони сирпанчиқ бўлмаслиги, атрофлари эса қайирмали бўлиши керак.

Айрим давлатларда заводда тайёрланган йиғилувчи конструкцияларадан иборат, қайсики керакли сув келтирувчи ва сувни чиқарадиган жиҳозлар билан таъминлайдиган сузиш бассейналари кенг тарқалган. Уларни ёғи мавсумда ҳудуд майдонининг тенг ярмига ўрнатилади, қиш даврида эса йиғиштирилади ва сақлаш учун тахлаб қўйилади. Йиғилувчи бассейнларнинг диаметри — 5 дан—7 м гача ва

чуқурлиги (баландилиги) – 1,2 м. Сузиш ва чўмилиш учун ҳовузлардан фойдаланилади.

Сунъий ҳовузларни қурилишида сув ўтказадиган ерларда сув филтрациясини олдини олиш учун ерга курук ер ҳавзасини эзилган лой ёки 0,3 м қатламли ёпишқоқ кумоқ тунроқ кум билан қопланган 0,15 м қатламли сув ўтказадиган экаран қурилади. Бундай экран куруқликдаги барча сув йўналишлари ўтказилишини таъминлайди. Шунингдек бетон асосида турли пленка қўринишдаги антифилтрацияли қопламалар ҳам қўлланилади. Ҳовузларнинг гидроизоляция ложа типлари турлича бўлиши мумкин. Шаҳар ҳовузларидаги сув ҳавзаларида тозалик мақсадида оқар сув ёки вақти-вақти билан сув алмаштириб туриш билан таъминланади. Ёз мавсумидаги бутунлай сув алмаштиришнинг минимал меъёри икки-уч маротаба деб белигланади. Ҳовузларнинг қирғоқ қиялиги 1:1,5 ёки 1:2 қиялик билан режаланади. Ҳовуз қирғоқлари мустахкамланади. Қирғокни мустахкамлашдаги табдирларнинг вазифаси – ҳовуз қирғоғини сув ва муз таъсиридан мустахкамлаш ва қирғоқ йўлларида сув ости ўсимликларини ўсиб кетмаслиги учун шароит яратиш. Ҳовузлар қирғоғини мустахкалаш табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб турлича конструктив ечимга эга бўлиши мумкин.

Ҳовузларни, сувнинг аксини орқа сатҳдаги белгисини сақлашни таъминлайдиган, яна шунингдек тошқин сувларини ўтказиш имконини берадиган сув ташлайдиган иншоотлар билан жиҳозланади. Ёз вақтида сув алмашинув даражасини пасайтиришга, шунингдек ҳовуз косасини бутунлай бўшатишда уларни насосдаги балчиклардан ва ифлослардан тозалаш учун сув бўшатмалар яратилади.



34-расм. Кичик богда сувли қурилмаларнинг ечимига мисоллар:

1-дарахтлар; 2-буталар; 3-тошлар; 4-ўтлоқлар;

5-сувли қурилмалар.

Кичик шакллар ландшафт дизайнининг элементи сифатида.

Кичик меъморий шакллар функционал вазифасига ва фазовий тавсифига кўра жуда ҳам хилма хилдир, эргономик параметрларга эга ва инсонларнинг ҳар бир ёш гуруҳига қараб тўғри келиши керак ва уларнинг функционал вазифаси билан боғлиқ хусусиятини ҳисобга олиш керак. Улар турли туман ландшафт счимларини таъминлаб беради ва айниқса муҳитнинг архитектура-бадий кифоасини, унинг хусусиятини таъминлаб намоён қилади. Кичик меъморий шакллар – бу иншоотнинг масштаби бўйича унча катта бўлмаган ва мавсумий қурилманинг ва йил давомида фойдаланиш (стационар ёки қучайтириш), урбанизимлашда ва табиий муҳитда инсонларга хизмат қилишга мўлжалланган. Кичик меъморий шакллар, қондага кўра, утилитар ва бадий-декоратив вазифага эга, айримлари эса фақат декоратив.

Утилитар тавсифдаги иншоотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- савдо, маълумот ва матбуот дўконларига , турли турдаги автоматлар (телефон, газета), транспорт бекатидаги шийпонлар, павильонлар, соя қиладиган конструкциялар (трельяжлар, перголлар, айвонлар) скамейкалар ва ҳокозо.

Архитектура-бадий вазифани бажарадиган иншоотларга қуйидагилар тегишли:

- осилиб ўсадиган ўсимликларга тирговчулар, гулдонлар, шпалерлар, трельяжлар, софитлар, ёмғирлатиб сепадиган фавворалар, деворлар ва бошқалар.

Турли кўринишдаги кичик меъморий шаклларни ва рекреацион ускуналарнинг анализи уларнинг умумий соҳасини қуйидаги белгиларда тақлиф этишни ижозат беради:

- ёш контингенти бўйича (болалар ва катталар учун);
- руҳий соғлом инсонлар белгиланган вазифаси бўйича, жисмоний нуқсон ва ақлий қолоқ инсонлар учун;

- функционал белгиланган вазифаси бўйича – рекреацион фаолиятнинг барча турлари- ўйинли, озик-овкат, спорт, бадий-маърифий, ўқишга оид, меҳнат;
- конструктив тизим тавсифи бўйича – қобирғали, қобирғали-тўсикли, қобирғали-чодирли, тўсикли, қобирғали-блокли, йиғиладиган-блокли, факат блокли, пневматикали;

Кичик меъморий шаклларнинг номенклатураси ва рекреацион ускуналари ландшафт объектнинг функционал вазифасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.



Кичик меъморий шаклларни жойлаштириш бевосита ҳудудий бўлимлар билан ва участканинг архитектора-режавий ечими билан боғлиқ бўлиши керак. Кичик меъморий шаклларни муҳитнинг турли типларига жойлаштиришда услубий бирлик шартларига риоя қилиш зарур. Кичик меъморий шаклларни уларнинг композицион фаоллик даражасини мос келишида, композицион тамойилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш керак. Ландшафт объектларини шакллантиришда дам олиш учун меҳел, скамейкаларнинг турли типлари, перголлар, сояли айвонлар, шийпонлар, урналар кенг қўлланилади.

Скамейкалар – ҳар қандай ҳудуднинг кичик меъморий шаклларида қўлланиладиган тип. Жойлаштириш жойига қарамасдан вазифаси, яна шунингдек шакли, ўлчови, бажариладиган материали ва скамейканинг ранги белгиланади.

Хар қандай ҳолатда скамейка, авваламбор, фойдаланишда қулай бўлиши, шакли бўйича оддий, уларни ранги эса – узвий равишда ҳудуднинг умумий ранг ечимини тўлдириш керак.

Кичик меъморий шакллар дизайнини тавсифлаш.

Боғ-паркларни безашда боғнинг ҳудуди бўйича ҳар хил турдаги ёки манзарага эга бўлган кичик меъморий архитектура ландшафтига эга бўлган боғ элементлари шаклларида фойдаланилади. Масалан улардан бири боғлардаги дам олиш жойларининг скамейкаларидир. Вазифасига кўра скамейкалар:

- дам олувчилар ёши контингенти ҳисобга олган ҳолда – болалар ва катталар учун;
- фойдаланиш характериға қараб – узоқ вақт учун ва қисқа дам олиш учун;
- ўрнатиш характериға қараб – стационарли ва қўчириб юрадиганлиғига қараб бўлинади.

Болалар учун скамейкалар унча катта бўлмаган ўлчамда ишлаб чиқарилади: баландлиғи бўйича 25 см.дан 35 см.гача, кенлиғи бўйича 22 см.дан 30 см.гача. Катталар учун скамейкалар баландлиғи бўйича қуйидагича бўлинади:

- пастлиғи – 35, 40 см;
- ўртачаси – 40, 45 см;
- баланди – 45, 50 см.

Катталар учун скамейкаларнинг кенлиғи 40 дан 80, 90 см.га қабул қилинади. Скамейкаларнинг узунлиғи 0,3... 0,4 м бир бола ҳисобидан ва бир катта одамга 0,5... 0,6м ҳисобидан аниқланади.

Узоқ муддатли дам олиш учун суянчиқли скамейкалар қулай, суянчиксиз скамейкалардан қисқа муддатли дам олишда фойдаланилади.

Тўғри скамейкалар кен тарқалаган ҳисобланади. Ташки қўриниши синик-терик скамейкалар, тўғри чизикли скамейкаларнинг турлича

узушликдаги йиғилган ва бир-бирига турли бурчаклардан бириктирилган, дам олиш майдончасининг контурларини қайтаришга ва янада унинг чегарасини аниқ кўрсатишга, фазовийликни, участкани функционал ташкил этишда имкон беради. Айланали, квадратли, олтиқиррали, саккизқиррали ва ёпиқ ёки эркин контурлар билан скамейкалар алоҳида дарахатлар ва уларнинг гурухлари атрофида, йирик декоратив тошлар атрофида ва дам олиш майдонида жойлашган, бошқа ҳажмли шакллар атрофида яратилиши мумкин. Скамейкаларни тайёрлашда ҳам ашё сифатида дарахат, металл, тош, ғишт, бетон пластмассалар қўлланилади.

Ландшафт объектнинг функционал вазифасидан қатъий назар скамейкаларнинг турлича жойлаштириш мумкин: офисга киришда, турар жойга, уй олдидаги йўлда, дам олиш майдончасида, болалар, спорт ва хўжалик майдончаларида, асосий ва иккинчи даражали хиёбонларда ва бошқалар. Жойлаштирилишининг қандайлигига қарамасдан скамейкаларнинг шакли ва ҳам ашё танланади, ўлчови ва архитектора-бадийи ечими аниқланади.



35-расм. Боғ-паркларда скамейкаларни жойлаштириш.

Болалар майдончасида жойлаштирилган скамейкалар, бола учун кенг қўламли (масштабли) бўлиши ва болаларнинг ёш контингентини ҳисобга олган ҳолда ўлчамга эга бўлиши керак.

Скамейкаларни гуллар, фавворалар, ҳавзалар, декоратив бассейнлар олдиди, шийпончаларда, дарахт соясида жойлаштириш керак. Скамейкаларни соя қилишда перголлар ёки трельяжлар, ерга мустаҳкамланган соябонлар, чодирлар ёки шийпонлар қўлланилади. Унча катта бўлмаган (локал)дам олиш майдончаларда скамейкаларни хусусан дам олиш жойини ажратиб яратиш учун декоратив деворлар билан уйғун ҳолда жойлаштирилади.

Скамейкаларни композицион ва конструктив ечими бўйича имконияти ва уларни ўрнатиш жойлари етарлича турли туман бўлиши мумкин. Уларни тошдан консоляга ва бетонли девор тирговучга мустаҳкамлаш, паст ғиштли ёки тошли тирговуч деворга тахтали тўшама ёзиб ва уни скамейкага айлантириш мумкин.

Столлар - сокин дам олиш майдончалари,газета ва журналлар, стол усти ўйини ва болалар ўйин майдончалари учун жиҳозлаш элементи сифатида фойдаланиш мумкин.Кўпроқ бетон ёки метал асосда стационар столлари лойиҳаланади. Стол метал қобирғали скамейка билан бирга йиғилиши ҳам мумкин. Стол сифатида кенг скамейкалар, тумбаси ҳийла баланд ёки дарахтадан кесилган катта тўнкадан ҳам фойдаланиш мумкин. Бугунги боғ-паркларда ўта манзарали кўринишдаги скамейкалар:мраморли тошлардан, ёғоч-металли арламентли кўринишда ҳам ясалмоқда ва боғларда ўрнатилмоқда.Бундай манзарали скамейкалар атрофида ҳар хил турдаги япроқ ва нина баргли дарахт ва бута турларидан, чирмашиб ўсувчи ўсимликлар ва гул турларидан нафис кўринишдаги боғ дизайнлари барпо қилинмоқда.



36-расм. Усти очик айвон кўринишидаги дам олиш скамейкалари.

Столларнинг ўлчамларни уларнинг вазифасидан келиб чикиб (катталар, болалар учун ўйин столи, китоб ўқиш учун ва ҳокозо) ва одамларни сонига, столдан бир вақтда фойдаланиш, бир одамга столнинг 0,5-0,6 узунлиги ҳисобидан аникланади. Катталар учун стол баландлиги – 60 см ва болалар учун 40...60 см.

Урналар (қолдикларни ташловчи идиш)- биринчи ўринда манфаат кўриш вазифасига эга. Асосан урна икки қисмдан иборат – сиртки кўриниши бўйича ва ортиқча қолдик нарсаларни йиғиб олиш.



37-расм. Бўёқланган урналарнинг кўриниши

Урналарнинг ташқи кўринишини металдан, сополдан, бетонлан азбестцемент трубалардан яшаш мумкин. Айрим металл урналарни тик турган ҳолда ёки маҳсулот колдикларини тўкиш учун ва тозалаш учун шарниларни ағдармали қилиб ясалади, бунда челаққа ўхшаш буюмлардан фойдаланини керак бўлмайди.

Урналар асосан турли мақсаддаги майдончаларда, скамейкалар олдида, уй олди йўлларида, асосий ва иккинчи даражали хиёбонларда жойлаштирилади. Урналар скамейкадан узокрок, аммо уларни мумкин бўлган масофада ўрнатилади.

Декоратив деворлардан фазовийликни ажратиш учун, пиёдаларнинг керакли йўналишда ҳаракаланиш ориентацияси учун , дам олиш жойини ажратиб қўйиш, хўжалик майдончаларини никоблаш учун фойдаланилади. Декоратив деворлар яхлит ёки пижарасимон бўлиши мумкин. Улар энг турли туман материаллар – тошдан, темирбетон элементлари йиғимидан, панелдан, сополдан, ойнапластикадан, бу материаллар комбинациясидан бажарилади. Деворнинг баландлиги ва ўлчами уларнинг вазифасидан ва ҳудудга жойлаштирилишга боғлиқ бўлади.



38-расм.Манзарали ҳимоя деворларининг кўриниши.

Трельяж - металл стерженли ёки тахтачали, темир бетон элемендан енгил решеткали вертикал девор. Трельяжнинг вазифаси – уни яшил парда коплайдиган, осилиб ўсадиган ўсимликлар учун, кобирға бўлиб хизмат килади. Трельяжнинг яшил декоратив девори хайкалтарошлик ёки фаввора учун, тўсик ва дам олиш майдонини ажратиб қўйиш, хўжалик иншоотларини никоблаш ва майдончалар яратишда асосий, жуда яхши восита бўлиб ҳисобланади.

Трельяж бинолар деворини офисга ёки турар жой уйларига кирверишда безатишда, унча катта бўлмаган иншоотларни - шийпончалар, сояли айвонларни ва бошқаларни ажратиш учун фойдаланиш мумкин. Трельяжлар бир ёки бир неча зевенодан иборат, турли туман тасвирлардан яратилган, решетка горизонтал, вертикал ёки эгилиб турадиган элементлардан ташкил этилади. Асосан трельяжлар тахтачалардан ёки юмолоқ пўлат арматуралардан бажарилади. Терляжларнинг баландлиги 2,5 дан 4 м.гача ўзгариб туради.

Пергола декоратив иншоотларни устун ёки панжарасимон копланган аркаларидан ўзида ифода этади. Улар осилиб ўсадиган ўсимликларнинг рангтасвирли соя айвончасини, коридор ёки соя қилинган майдон билан уйғун ҳолдалигини ташкил этади.



39-расм.Орламентли перголлар

Перголларнинг қайтарувчи элементларида соя ва куёш шуълаларининг алмашилишини яратади. Перголлар алоҳида тик турувчи, бинога туташган ёки бир бинони бошқа бино билан боғловчи бўлиши мумкин.

Перголларнинг декоратив сифатлари ва уларнинг шамоллатишни сақлаган ҳолда сояни яратиш хусусияти турли ҳудудларда кенг қўлланилиши таъминлади.

Уларнинг ўрнатилишига осилиб ўсадиган яшил ўсимликлар, ёввойи узумлар, тамаки ўсимдиги, хмел, печак, ўрама атиргуллар ва бошқалар хамроҳ бўлади, кайсики уларнинг асоси жуда чуқур экилади. Улар ёхуд кўтарилаётган конструкцияли махсус тортилган ингичка симга ёки нейлон ипга ўрилади. Образлийликни баланд дарахтлар танаси, перголлар чегарасигача ёки унинг ё у ёки бир томонига униб ўсадиган қўшимчалик беради.

Перголлар устунли турлича бўлган матриаллардан қилинади: ёғоч, гипс, метал, темирбетон ва абестцемент трубалар. Перголларнинг ажратиладиган решетка балкаларини тахтадан, баъзан металдан, енгил темирбетон балкалар ва плиталардан қилинади.

Перголлар тартибда тўғричизикли, ташки кўриниши парчаланган, кийшикчизикли бўлиши мумкин , уларнинг баландлиги эса 2,5... 3 м. қабул қилинади.

Шийпончалар ва сояли айвонлар дам олиш жойи, куёшдан ва ёмғирдан пана жой, ва яна ландшафтли фазовий композициянинг асосий ҳажмли элементи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ташки шакллари оддий ва ихчам ечимли, бажариш материали и ранглар ечими атрофни ўраб турувчи муҳит – рельефлар, ўсимликлар, сувлар билан ва бошқа компонентлар билан боғланган бўлиши керак. Тайёрлаш учун турли туман материаллар қўлланилиши мумкин – метал, пластмасса, шиша, тош, темирбетон, ёғоч.



40-расм. Ёғоч ўймакорли бессеткалар

Шийпончалар ва сояли айвонлар турли дам олиш майдонларида, болалар ўйин майдончаларида ва бошқаларда лойихаланади. Оптимал ўлчамлар – 2,5x2,5 дан 5x5 м. гача баландлигида 2,5 3 м. Бундай ўлчамлар бир ёки бир неча скамейкаларни ва столларни қўйишга рухсат этилади. Катта ўлчамдаги айвончалар кўпроқ ховли-жойли участкаларда қўлланилади.

Кичик боғ ҳудудларида, кичик меъморий шаклларни жойлаштиришда, шуни эсда тутиш керакки, яъни инсон истиқомат қиладиган гармоник муҳитни яратишда асосий рол яшилликлар массивига, дарахтларнинг алоҳида декоратив гуруҳлари, сув катламлари, рельефда геопластикага тегишли бўлиши керак.

Замонавий шароитларда инсон кўриш органлари орқали 80% ортиқроқ маълумотлар оқимини қабул қилиши, анчагина ўсди. XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида инсонга кўз билан хаос ёғдирилди, унга кўчада, паркда ва яна жамоат бинолари интерьерларида ориентир олиш янада мураккаблашди. Бу камчиликларни бартараф этишда визуал коммуникация воситаларини бажариш аҳамиятлидир;

очиқ шаҳар фазовийлигини кичик меъморий шакллар билан бир қаторда шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Асосан аниқ тизимли график

таъсирни, архитектура муҳитида инсонга мослаб ва унинг фаолиятини олдиндан тайёрланган дастурга йўналтирилганлигини ўзида ифода этади. У инсон фаолиятида жиддий ташкилий ролини ўйнайди, бундан ташқари архитектурувий фазовийликнинг ташки қўрилишини шакллантиришда жуда муҳим эстетик аҳамиятга эга бўлади.

Архитектура-ландшафт фазовийлик, муқаррар шаклда тугалланган, ориентирлашда ва йўналтиришда, ўзининг ривожланиш динамикасида муҳим хусусиятга эга бўлади. Ориентирлаш инсоннинг физиологик мослашуви билан гравитацияга, унинг жисмоний фазовийликдаги ўрни ва маълум тушунчалардаги – паст, теппа, олдин, орқа, ён томондан, ўнг томондан, чап томондан ва ҳокозо билан боғлиқ. Фазовийлик аралаш-қуралаш ва уюшган бўлиши мумкин. Ааралаш-қуралаш фазовийлик – ташки таъсирсиз ва профессионал бўлмаган ёндошув самарасидир. Архитектура муҳитини уюшганлиги, асосий ташкил қилиниши, архитектурувий фазовийликда, авваламбор, аниқ визуал ориентациялаш тизимини ташкил этиш, унинг функционал белгиланган мақсадини архитектурувий воситаларда аниқлаш.

Фазовийлик ориентациялаш масаласини ечиш учун архитектурувий-ландшафт муҳитда: кўрсаткичлар, вивескалар, пиктограммалар, табло, маълумот ёзилган тахтача, кўрсаткич-схемалар, плакатлар, щитлар, афишали устунчалар, витриналар ва бошқалар жойлаштирилади.

Архитектура-ландшафтли муҳит образини шакллантиришда тарғибот-ташвиқот-ёртгичларни ўрнатиш, кўп рангдаги доимий ва тўхтаб-тўтаб ёритиш, статикли ва динамикли катта аҳамиятга эга.

Визуал коммуникацияларнинг номлар-атамалар воситилари етарли даражада турли-турман, аммо уни профессионал даражада бир катор лойиҳалаш тамойилларига риоя қилган ҳолда ечиш керак. Визуал коммуникация тизими, аввалмабор, етарлича аниқланган бадий усулларни фойдаланишга қурилиши керак. Фойдаланиладиган воситалар ва усулларининг миқдори қанча талабчан чекланса, тизимнинг услубий бирлиги шунча аниқлаштирилади.

Тизимнинг услубий бирлиги белгилари каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бажарилиш элементи манерасини (контур, штрих, силуэт, тасвирнинг киялиги);
- қўлланиладиган элементларнинг бадиий бирлиги ва композицион мувозонати;
- ранг ушбу модул тизимида қабул қилинган, маълумотларнинг ва кодлашнинг аниқланган элементи сифатида;
- фойдаланиладиган белги ва уларнинг мустахкамлаш элементларнинг шакли ва ўлчами;
- муҳитнинг конкрет хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тасвирни қайта тиклаш вариантлиги;
- қайта тиклаш элементлари технологияси ва бошқалар.

Рекреацион-ландшафт ҳудудларни шакллантиришда визуал коммуникация воситалардан ҳар бир ландшафт объектдаги функционал вазифасидан қатъий назар фойдаланилади.

Паркларнинг кенгайтирилган ҳудудларида турли функционал вазифадаги қийин шаҳобчали ҳисобонлари, йўлкалар ва майдонлар ташриф буюрувчилар учун ориентация олишда қийин шароитларни яратади.

Ўйлаб топилган визуал коммуникация тизимида ёрдамида ташриф қилувчилар унча қийинчиликсиз боғ-паркнинг ҳар қандай қисмини, унга бориб қўриш учун керак бўлган қисмини топиши мумкин. Мисол учун, паркнинг кираверишига ҳаётларда ҳудудларнинг унинг тузилишига оид ва режалаш элементлари аниқ кўрсатилган шартли чизмалари жойлаштирилади, унда кўргазмани қилиб парк объектининг узоқ масофадаги белгилари, ҳаётлари ва тушунтириш ёзувларини ўқишга қулай қилиб кўрсатилади. Кўрсаткичларнинг конструктив ва образли ечимлари масштаб бўйича табиат муҳити билан, муносиблиги, ритми ва ранги билан ўзаро мос бўлиши керак, парк муҳитига табиий қўшилиши керак.

Визуал коммуникациянинг ва кичик меъморий шаклларнинг ўлчамлари нисбатан унча катта бўлмаслиги керак. Улар ландшафт объектнинг асосий компоненти бўлган, яшил табиий муҳитни ўзлари билан тўсиб қўймасликлари керак. Бундай талабларга аввало кафе, ресторанлар, киоскалар ва бошқа кичик меъморий шакллари киритиш мумкин. Бу шакллар табиий муҳитга ҳалақит бермасликлари керак.

Маҳобатли-декоратив санъат ва ҳайкалтарошлик элементлари ландшафт дизайн воситаларидан фойдаланилган ҳолда фазовийликни ташкил этишда каттагина ролни ўйнайди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кириш учун йирик, маҳобатли белгилар;
- ёдгорликлар, ҳажмли ҳайкалтарошлик ва декоратив композициялар ;
- рангтасвирли декоратив панно ва рельефлар;
- эсдалик тахталар, мемориал ёзувлар.

Маҳобатли-декоратив санъат воситалари билан қуйидаги вазифаларни ечиш мумкин:

- фазовийликда ориентациялашни аниқлаш;
- жуда муҳим тархий элементларга шаҳар муҳитида ургу бериш;
- ўзига хос очик ландшафт фазовийликни очиш.

Шаҳар муҳитига декоратив-амалий санъат элементларини киритишда ҳайкалтарошликдаги ва қурилишдаги масштабни ўзаро нисбатни саклаш, ва яна муҳитни жонли (образли) тавсифини кучайтириш керак. Ландшафт дизайн объектларида ҳайкалтарошликдан жуда кенг фойдаланилади. Унинг жонлилиги умумий силуетнинг аниқлигига, таққосланган элементлар динамикасига, шакллар контрастлигига эришиш керак. Декоратив ҳайкалтарошлик нозик ишланган (ҳажмнинг йўқлиги билан) ва ҳажмли бўлиши мумкин. Ҳажмли ҳайкалларни фазовийликнинг турли нукталаридан қабул қилинадиган қилиб ўрнатилади. У энг турли-туман хом ашёлардан — кора чўян, кулранг бетон, ёрқин майолика, сополли глазурь, ётоқдан бажарилади. Кўп рангли ҳайкаллар замонавий муҳитда инсоннинг истиқомат

қилиши урбанизациялашадиган муҳитга нисбатан муносабатида керакли контарстни яратади.

Ҳайкалларнинг жуда кенг тарқалган ўрнатилган жойи - буталар ёки дарахатлар гуруҳи билан ўралган, майсазор. Яшилликлар орасига асосан дам олиш мавзуга, ҳайвонлар ва қушларга декоратив ҳайкаллар ўрнатилади.



Бу кўриш орқали қабул қилиш йўлини тўғирлайди ва ижобий ҳис-туйғуни чакиради. Барча дарахат ва буталар бино ва иншоотлар атрофига жойлашувига кўра архитектура-бадий хусусиятлар эканлигини эътиборга олиш керак. Биргина ва яна ўша ҳайкал шохлари пастга эгилиб ўсадиган мажнунтол ёки ёш қорақарағай фонида мутлақо турлича қабул қилинади. Ҳайкалтарошликни кечки вақтда ландшафт дизайннинг бошқа воситалари билан уйғун қабул қилишга эътибор бериш лозим.

Боғ-паркларда ёритиш тизимининг асосий элементлари

Замонавий ландшафт объектларида ёритиш усуллари жуда турли туман бўлиши мумкин. Худудни ёртишда учта усулни ажратиш лозим:

- функционал, декоратив ва аралаш.

Функционал ёритиш пиёда юришга мўлжалланган маршрутларга ва куннинг қоронғи вақтида йўлнинг ўтиб кетадиган қисмига мўлжалланган.

Декоратив ёритиш куннинг кечки вақтида жуда қизиқарли ландшафт композициясини намоён қилишга мўлжалланган.



42-расм. Яшил худудларда ёритиш тизими.

Аралаш ёритиш юқорида келтирилган функцияларни ечишга ижозат беради.

Ландшафт объектларида декоратив ёритиш энг кўп аҳамиятга эгадир. Яхши бажарилган декоратив ёритиш ёрдамида яхши кўриниш эффетини ва катта ҳаёжонлилик ҳаракатларига эришиш мумкин. Ўсимликлар ва гулларнинг пастдан ёритилишидан фойдаланиб ва ёруғликни махсус кошпашда акс эттирилиши, қизиқ кечки сценарийни яратиши мумкин.

Боғ янгими ёки эскилигидан қарамасдан , унда жуда кўп ёки кам конструкциялар ва ўсимликлардан, декоратив ёритилишнинг қўйидаги типларидан фойдаланилади:

- тўғридан-тўғри ёритилиш (ёриғлик билан тўлдирилиш) - бевосита манбадан ёруғлик таралади ва дарахатлар, буталар, гулларни – бир бутун композицияни ёритади; тўғри ёритиш манбалари ёпик бажаралишдаги ҳар қандай ҳолларда бўлиши мумкин.
- қисман (локал) ёритилиш – манбадан ёритиш таралади, юзага акс этадиган, яъни ундан, ўз навбатида, керакли объектнинг акси кўринади; айниқса декоратив деворлар, шпалер, вертикал кўкаламзорлаштириш қисман пастдан ёритиб туриш самаралидир, ва яна коттежнинг девори, аниқроғи муҳитнинг алоҳида объектлари ёритиб кўрсатилади.
- контурли ёритилиш - манбадан ёруғлик таралади ва алоҳида элементларнинг контурини ёритади, мисол учун, кичик меъморий шакллар.

Бутун худудни ёритилиш сценарийсини пухталиқ билан ўйланган бўлиши ва хусусан қизиқарли ландшафт композицияларини пастдан ёритишнинг тахминий моделлаш услуби аниқланган бўлиши керак. Буни кўчирилайдиган қисқа муддатга ёкиладиган фонарлар ёрдамида кўрсатиш мумкин.

Ёритилиш тизимидаги муҳандислик таъминлаш масаласи асосий эътиборга лойиқ. Ёритилишдаги доимий манбаларнинг аралашуви (ёритгичлар) атмосферанинг чўкишларидан ҳимояланган бўлиши керак. Бунинг учун ерга уланган ҳимоя қилувчи симли махсус ёритгичлардан фойдаланилади. Шунингдек эффектив ёритгичларни турли туман типларини улаш учун сув ўтказадиган бўлимлар қўлланилади. 25 кв.см ҳажмли ишорадан (ҳатти-ҳаракат) ёритгичлар учун, яъни юмшоқ ёруғлик таратилишни таъминлайдиган, экранлар тайёрлаш мумкин. Бу мақсад учун тахта бўлағи ва бошқа материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сув ўтказадиган қўرғошин қобикли кучли ток узатадиган кабел, яъни тажрибалар давомида ёритгичлар билан юза қатламда бўлиши, кейин эса ерга қўмиш мумкин, ҳеч қандай махсус каналлар керак эмас. Кўпинча икки – ёки уч симли электрон кабеллардан фойдаланилади, бошқалари эса, кўп

холларда эса телефон кабелларини, кўрғошинли билан бир қаторда қўмиш мумкин эмас. Уч симли кабелларнинг биридан эса ерга улаиш сифатида фойдаланилади. Кабелнинг ташқи кавати(разъёмлари) ташқи шикатланишдан химояланган бўлиши керак. Асосан разъёмларини металл коробкаларга жойлаштирилади, бу коробкалар эса ерга уланган мис симдан бўлиши керак. Ерга уланган симнинг ташқи контурини уч штирли разъёмдан фойдаланиш тавсия этилади. Ҳозирги кунда реализация қилинаётган электрон қурилма, турли участкаларда хизмат қилиш учун фойдаланишга, уч штирли разъём орқали уч симли кабелга улананмоқда. Зохиран ерга уланган симлар – амалий томондан яхши, аммо самарали эмас. Участкани ёртишда тизимни кенгайтириш керак бўлиб қолса, қўшимча кабелларни назарда тутиш керак бўлади.

Ёритигичларни танлаш ҳудудни лойихалашда кечки ёритиш сценариясида қабул қилинганлиги бўйича амалга оширилади.Нур таратадиган ёритгичлар ернинг усти қатламини ва паст буталарни ёритиш учун мўлжалланган.Уларни энг яхшиси йўл бўйида, керакли бўлган кўринишни таъминлаб ва предметларни етарлича ёритиладиган қилиб жойлаштириш керак.

Ёритгичларнинг хусусияти ёруғликни мунатазам йўналтириш – предметларни лампадан кўзни камаштирувчи ярқираши бўлмаганда яхши кўриниши (кўпинча у предметларни ва очиқ жой атрофини ажратиш имконига сабаб бўлади). Йўл бўйига ёруғулиги камарок ёритгичларни жойлаштириш керак.

Бир томондан юқорига йўналтирилган ёритилиш шундай талаб билан қўлланиладики, яъни предмет фақат бир томондан кўриниши ва уни ер қатлампидан бир оз баландроқ жойлаштириш керак. Ёритгичлар предмет олдида, предметга тўғри йўналтирилиб ўрнатилади – пастдан ёритишнинг бундай услуги жой рельефини фойдали қилиб намоён қилади.

Умумий нур тўпламини ёйиб таратиш, таянчга ўрнатилган ёритгичлар орқали яратилади. Шаҳар скверлари, хиёбонларни ёритишда 4-5 м.

баланликдаги таянчлар қўлланилади. Кўп скверларда ва паркларда ҳиёбонларни ёритиш учун 2,5-5 м баланликдаги таянчлар қўлланилади. Ҳар бир конкрет ҳолатлар учун таянчларнинг баландлиги алоҳида, ёритгичнинг қувват конструкциясидан, ёруғлик таралиш майдонидан, ёритишнинг керакли даражасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ёруғлик окимининг йўналганликдаги ёритишнинг умумий ёйилиши учун ёритгичларнинг бир неча турлари қўлланилади:

- анъанавий типдаги ёритгичлар, яъни лампадаги ёруғлик равшан ёки плафоннинг ён деворларига хира тарқалади;

- ёруғлик окимини паст даражадаги равшанлиги ёки хира плафон орқали йўналтирилади;

- ёруғликни тарқалаши билан экранда акс этиши.

Ландшафт объектларида баландлиги 1 м. таянчда ўрнатилган, ёритгичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўзининг хусусияти бўйича лампасиз, оптик-толали технология асосда бажарилган ёритгичлар қизиқроқ ёки ҳаяжонлироқ кўринади.

Ёруғлик энергиясининг ҳар бир ёритгичини марказий манбадан олиб бориши оптик кабел ёрдамида амалга оширилади. Бундай тизим мутлақо хавфсиздир. Оптик-толали кабел электр энергиясини эмас, фақат ёритиш энергиясини бажаради. Бундай технологиялар турли туман архитектура-бадий вазифаларни ечишда фойдаланилади.

Ёритиладиган кабелни йўлқаларнинг четидан ўтказиш, дарахтдан ёруғлианаларни тушириш, ҳовузнинг контурини белгилаш ва ҳаттоки сувга тушириш мумкин. Кабелларнинг рангини зарур бўлганда ёрғлик манбадаги ёруғлик фильтирининг кескин ўзгариши ҳисобига кўп марта ўзгартириш мумкин. Бундан ҳам қизиқроғи ёруғлик ва рангли эффе́тларни ёруғликга оптик-толали ипларни узатишдан, яъни фақат учгинани “ёндиришдан” фойдаланиб эришиш мумкин.

Улардан фойдаланиб шифтни милт-милт ва бошқалар “осмондаги юлдузлар” эффектини яратиш мумкин. Бадий эффектга эришиш учун яна

турли туман ўймали насадка, рангли фильтрли тизилиб турувчи ёритгичлардан фойдаланилади. Улар тўлиқ ажратилган метрик ёруғлик акцентларини яратадилар.



43-рasm.Элементлар номенклатураси ва ландшафт дизайн объектларини ёритиш

Боғларда фитодизайн ва флородизайнни тавсифлаш.

Инсоннинг ҳаёти табиат билан ҳамбарчас боғлиқ, шундай экан, ўсимликлар ҳаёти билан ҳам боғлиқдир. Турли халқларда уларнинг жамоат ва маданий-тарихий шароитларига қарамасдан ўсимликларга муносабати, хулқининг акс этилиши, турли даврлардаги ва формациялардаги анъаналар, урф-одатлар ўзига яраша ифода этилган. Шунинг учун ҳам маҳаллий шароитларга қараб одамлар жойларда ҳар хил турдаги япроқ ва нина баргли дарахт ва бута турларидан фойдаланиб нафис кўринишдаги боғлар ва сайилгоҳлар яратиб келишган. Турар жойларни ўсимликлар билан безатиш анъанаси, йил фасллариининг кескин алмашинадиган давлатларда жонли табиатнинг элементларини йил бўйи уйда ушлаб туришга эришилган.

Интерьерларни шакллантиришда турлича уйларда, биноларда ҳозирги кунда инсоннинг табиий эҳтиёжидан келиб чиқиб табиатга яқин бўлиши шаҳараларнинг кенг масштабда урбанизациялаш муносабати билан ўсимликлардан фойдаланилади. Ўсимликлар табиат билан, гўзаллик шакли билан алоқа қилиш иллюзациясини яратади, ёқимли ҳид таратиши ва сокин яшил ранглар туси, олий нерв тизимига фойдали, ёмон кайфиятни кўтаришга ёки рухий зарба ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Ўсимликларнинг санитар ва гигиеник функцияси (вазифаси) айниқса муҳимдир. Ўсимликлар чангни ютиб, очиқ осмондагига қараганда, яъни чанг 20 марта кўп бўлган жойда, хонани углекислотадан ҳавони тозалашни исботланган, намланишга ва ҳавони ионлашувига, унинг ҳароратини меъёрда бўлишида шароит яратади, лекин, айниқса – микроорганизмлардаги кўпгина зарарлаларни йўқотади.

Флора– ва фитодизайн ўсимликлардан фойдаланиб уни пердметли олам билан чеклаб бирлаштириш воситасида архитектура-ландшафт муҳитни шакллантиришда янги йўналишни ифодалайди. Бу энг кўп декоратив, экологик турғунлик микроклим шароитдаги интерьерларни аниклаш ва юқори даражадаги эстетик таъсир этишга эга бўлган ва тропик ва субтропик

Ўсимликлар турларини антимикробли фаоллиги, фитомуҳитнинг бундай турларидан интеръерли фазовийликни шакллантиришда шароит яратади.

Интеръерларнинг фитомуҳитни шакллантиришда сунъий ўсимликлардан қандай фойдаланилса, шундай табиий ўсимликлардан ҳам фойдаланилади. Айниқса табиий ўсимликларни қўллаш самаралидир. Маълумки, улар учувчи моддаларни – фитонцидларни ажаратиб чиқаради, катта биологик фаолликга эга бўлган, инсоннинг яшаш жараёнини кучайтиритиришни, организмдаги модда алмашиш ҳолатини, нафас олиш жараёнини яхшилашга имкон беради. Ҳавода агар фитонцидлар қанча кам бўлса, инсон ўзини ланж, тез чарчаб қоладиган, соғлиғи ёмонлигини сезади. Уларнинг концентрациясининг меъёрга бўлиши инсоннинг иш фаолиятини оширишга ёрдам беради.

Фитоэргономика (грекчадан. «фитон» - ўсимлик, «эргон» - иш, «номос» - қонун) - замонавий илм ва амалиётдаги янги тараққий топган йўналишдир. Бу термин 1984 йил “инсон-машина-муҳит” тизимидаги алоҳида объектнинг тадқиқоти билан боғлиқлиги учун эътибога олинган. Фитоэргономиканинг илмий асоси “инсон, муҳит, машина” тизимини ўрганишда комплекс ёндошув муҳимдир. Фитоэргономика бир неча ёнма-ён фанлардан вужудга келган: ландшафт дизайни, дизайн, эргономика, тиббиёт, биология. Инсоннинг меҳнат фаолиятига мақбул таъсир этадиган омилларни ҳисобга олган амалий вазифаларни ечади (антропологик, психофизиологик, экологик, эстетик ва бошқалар). Айниқса иш жараёнида қулай шароитни яратишга алоҳида эътибор бериледи. Шунинг учун чарчоқликни барча эргономик тизимлар модели микромуҳитларини юқори релаксацион таъсири остида пасайтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай муҳитларнинг асосий омиллари фито ва флорокомпозициялардир.

Фитокомпозициялар –атроф муҳитга яхши таъсир этувчи ва декоратив самараси билан ажралиб турувчи, факат табиий ўсимликлардан яратиладиган композицион кўринишдир.

Флорокомпозициялар - Табиий ўсимликлардан қандай яратилса, худди шундай сунъий ўсимликлардан ҳам яратиладиган композиция (булар курук гуллар ҳам бўлиши мумкин). Улар инсонга ҳис-ҳаяжон кайфиятини берувчи композицион кўринишдир.

Фитомухитларни турлича биноларда шакллантириш ландшафт дизайннинг табиий воситаларидан фойдаланиб лойихалаш кетма-кетлигини ўз ичига олади.

Дастлаб мухитнинг, яъни фитокомпозиция жойлаштириладиган экологик ва эргономик параметрлари таҳлил қилинади (ҳарорат, намлик, ёритиш, газланиш ва бошқалар). Мухитнинг манбалардан чиқарилаётган макро ва микродаражадаги ифлосланиш даражаси аниқланади. Иш жараёнининг тавсифи, унинг тиғизлигини, даражаси ва ҳорғинлик хусусиятлари аниқланади. Фитокомпозициялар ассортиментини танлашда микроклиматнинг хусусияти, ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи, ҳамда ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ҳисобга олинади (уларнинг фитофаоллик талаби бўйича, ривожланиши ва ўсиши учун мақбул шароитни яратиш, ёритиш, ҳарорат ва бошқалар). Шундан кейин функционал характердаги масалалар ечилади, фитокомпозицияларнинг фазовий-ташкилий хусусиятлари ҳисобга олинади: фазовийликни ажартиш учун композицияларни яратиш ёки уларнинг изоляцияси, бўлиш ва шовқиндан, чангдан, газдан ва бошқалардан ҳимоя қилиш. Фитокомпозицияларни интерьердаги фазовийликка жойлаштириш ва уларнинг соғломлаштириш прогнозига таъсир этиши қатъиян аниқланади.

Фитокомпозицияларни яратиш жараёнида ўсимликларнинг эстетик хусусиятлари ҳисобга олинади (баландлиги, шакли, тизими, япроқларнинг ранги ва бошқалар) ва уларнинг шаклланиши психологик йўналиш мақсадида амалга оширилади ва ҳис-туйғуга таъсир этувчи, унда ижобий ҳис-туйғуни чакирувчи, релаксан эффектга муваффақиятли имкон беради.

Инсонга бундай фитокомпозициянинг эффектив таъсири этиши табиий ландшафтни рангли колорит билан имитацияси орқали эришилади (иссиқ ва

совук туслар, нюансли ва контрастли композициялар), композициянинг характери аниқлаш орқали (статик, динамик) ва унинг элементар шакллар хусусияти (ўлчовлари, фактура, тизими ва бошқалар), яна шунингдек таъсир қилиб турувчи қўшимча факторларни ҳисобга олган ҳолда (ёритиш, мусика, муҳитлар амортизацияси).

Хонанинг фитомуҳитини кагъиан шакллантириш ўсимликларнинг танланган турларига мос равишда амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришда қўқламзорлаштириш услублари қай даражада қўлланилса, турар жой ва жамоат бинолари интерьерида ҳам қуйидаги ўсимликлар қўлланилади:

- декоратив-япроқли (чиройли декоратив барглари билан);
- ампел ва чирмашувчи (осилиб тушадиган ва вертикал чирмашадиган шаклларни ҳосил қиладиган);
- декоратив гулловчи (ўзида турли-туман гуруҳларни ранги бўйича, турли вақтларда гуллаши билан ўсимликлар шаклини ифодалайди);
- декоратив-мевали (қишқи боғлар учун асосан қарлик (пакана) ўсимликлар –шафтоли, анор ва бошқалар қўлланилади).

Юқорида санаб ўтилган ўсимликларнинг тўрт гуруҳи турли туман композициялар: нуқтали ва чизикли, ҳажмли гуруҳли ва ясси-орнаментал, вертикал, шунингдек ландшафтли фрагментлардан таркиб топган.

Микроландшафтнинг фрагментли композиция асосига махсус гоя, табиий ландшафтнинг имитациясини ифода этадиган, ўсимликлардан, микрорельефдан, тошлардан ва қопламалардан ташкил топган.

Микроландшафт фрагменти композициясининг асосига махсус гоя, яъни табиий ландшафт имитациясини ифодалайдиган, ўсимликлардан, микрорельефдан, тошлардан ва тўшамалардан таркиб топган бўлиши жоиз.

Унинг олдида табиий муҳитнинг аниқ тасвири яратилади. Хусусан шундай микроландшафт фрагментларини атриумда яратилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда, қандайдая кўра атриумлар катта кўп функционал мажмуанинг фазовий ядроси ҳисобланади. Атриумда уни ўраб турувчи

бинога очилувчи кўриниш, ҳар бир нуктадан (жойдан) қабул қилиниши керак. Атриумда яратиладиган, микроландшафт фрагментлари табиий ва сунъий ўсимликлардан ҳам ташкил этилиши мумкин. Уларнинг композициясида энг турли туман сув мосламаларини - жилғалар, булоқлар, шараралар поғонали шаршаралар ва бошқалар киритилади. Ўсимликларни ёритилиши қандай табиий ёртилса, ва шундай сунъий тавсифда ҳам бўлиши мумкин.

Ўсимликларни жойлаштириш учун сиғимнинг конструктив ечими типда силжитишли ва кўчмайдиган бўлиши мумкин. Хусусан атриумда кўчмайдиган сиғимда яратиш мақсадлидир. Турли кўргазмаларнинг, кенгашларнинг, тақдимотларининг интерьерларини безатишда турли конфигурациявий керамик сиғимини олиб юрувчи композициялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Интерьерларга ўсимликларни умумий бадий композиция элементи сифатида жойлаштириш унинг энг асосий талаби – қиёслаш катталигига бўйсиниши керак. Унча баланд бўлмаган хоналарга пальма, финус каби ўсимликларни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ўзининг жойлашувига қараб ва ҳиссиётли таъсири бўйича ўсимликларни гуруҳлаш тўсатдан ва жадаллашиб боровчи, бир текис ва импульсив таъсирда бўлиши мумкин. Бундан ташқари флора- ва фитокомпозицияларнинг интерьерда унинг композицион ечимда бир бутун ёки визуал фонда декоратив тизим учун, кичик меъморий шакллар учун ёки узвий равишда интерьернинг қўшимча архитектура-фазовий ечимдаги асосий акценти бўлиши мумкин.

Интерьернинг флородизайндаги турли хил кўриниши икебана, бонсай, коллажда кўрилади.

Икебана – Японияда вужудга келган, айникса гулларни аранжеровка қилишдаги қадимий санъат. Қарийиб ўн беш аср давомида ривожланган, икебана санъатининг мустақил турига айланди, қайсики японлар учун бу хонадонларни нафакат безатиш санъатидир, нечоғлик жонли табиатни

илоҳийлаштириш, унинг унча катта бўлмаган фрагментини уйга олиб киришдир.



44-расм. Гуллар аранжеровкаси

Бонсай – мўъжаз дарахатларнинг (карлик) ўстириш санъати, яъни японияликлар 100 йилдан бери эгалик қилаётган, уларни столларга жойлаштириб, микробоғларни яратишда кенг қўлланилган. Улар барча мумкин бўлган табиий материаллардан сунъий табиатни яратадилар: ажойиб мох боғларини, тошлар богини, патнис устида қумдан пейзаж.

Коллаж – текис ва ҳажмли қурилган ўсимлардан, бошоқли ёки уруғли донлардан картина (тасвир) – флористакада энг қизиқарли асарлардан бири бўлган. Шаффоф лок билан бириктирилган, улар узок йиллар ўзининг шаклини ва бўёқ рангини сақлайди. Коллажлар ҳар қандай интерьернинг, айниқса рекреацион хонадонларнинг жуда чиройли безаги ҳисобланади.

Сувларнинг шалдираши, қушларнинг сайраши, сокин мусика, гулловчи ўсимликларнинг чиройи ва ёкимли ва уларнинг соғломлашган эффекти инсоннинг психикасига ижобий таъсир кўрсатади ва унинг иш қobiliятини оширади, каттик ҳаяжонларни нивелирлайди (текислайди). Охириги вақтларда

флорариумларни, флоратеррариумларни, аквариумларни яратилиши кент тарқалди.

Флорариум — ойнадан ёки шафоф пластикадан тайёрланадиган махсус мослама, унинг ичида флоракомозиция яратилади. Функционал вазифасидан ва хоналарнинг ўлчамларидан катъий назар флорариумлар турличи шаклга эга бўлади (шар кўринишида, тўғрибурчакли, куб ва ҳокозо) ва ўлчамлари (кичик, ўрта ва катта). Улар аниқ эстетик эффектга эришиш учун махсус муҳандислик мосламаларга эга бўлиши мумкин (ёмғирлар, шаршаралар, шамол).

Флорариум икки хусусиятга эга. Унда ўсимликлар тўлиқ ёки бутунлай тўлиқ ойна билан ёпилади. Натижада контейнер ичидаги ҳаво хийла намроқ ва бу қўплаб нозик гулларни ўстиришга, яъни хона шароитида гулларни ҳалок бўлмаслиги учун имконият беради. Флорариумлар мавзуларидан катъий назар турларга ажратилади.

Эпифитарий — Осиёнинг жанубий-шарқий ва Жанубий Американинг эпифитлар коллекциясидаги флорариум. Эпифит ўсимликлар тўнка ва илдизларда ўсади ва турли кўринишдаги рангларга эга бўлади.

Полюдарий — нам субтропик ва тропик ўсимликлардан композиция, пўпанак билан тўнка билан қўшилган, дарёга оид валунлар тропик ўрмонларнинг табиий фрагментларини юзага келтиради.

Кактусарий — кактуслар коллекцияси, бу ўсимликнинг ватанини эслатувчи, Жанубий Американинг - табиий шароитда жойлаштирилган, сувсиз сахро ландшафтни аниқловчи.

Террариум — судралувчилар, сувда ҳамда қуруқликда яшовчи ҳайвонлар бокиладиган микромуҳитли сунъий қурилма. Тўғри бажарилган террариум, керакли ҳарорат билан ва ҳаво намлиги ва мутахассисга гернетология соҳасида қурбақаларни, илонларни, қалтақесакларни тўғри озиқлантиришга, уларни ҳавсиз ва нобуд бўлмасдан сақлашга имкон беради. Террариумлар ҳайвонлар яшашига шароитни ташкил этиш ва интрьерда ландшафт дизайнининг жонли элементини яратиш, табиий шароитга

якинлаштириш учун сурбута тўнка, тошлар, пўпанак ва ўсимликлар билан безатилади.

Аквариум – сув жонзотлари ва ўсимликлар парвариш қилинадиган, ўрганиладиган ва томоша қилинадиган махсус шиша идиш. Аквариумлар шаклан турли-тумандир. Улар тўғрибурчак, думалок, девор осиб қўйиш учун картина кўринишида бўлади. Аквариум-картиналар, анъанавий тўғрибурчакли идишларга караганда кўпроқ нафосатли бўлади, уларда ўсимлар яхши ўсади ва балиқлар тоза кўринади. Айниқса сув ости тоғ ландшафтлари имитацияси билан аквариумлар, гротлар билан ва қояларнинг камарлари ва даралари билан, яъни сув ўсимликларни жойлаштиришда жозибадор кўринади.

Акватеррариум кўплаб амфибийларни, шунингдек судралиб ва ўрмалаб юрувчи ярим сув ҳаёт шаклида яшовчи ҳайвонларни сақлаш учун фойдаланилади. Хусусан, аквариум асосида тайёрланган акватеррариум ишлатишга лаётқатлидир, тақдим этилган оролчанинг куриқлигида ва сувга ботган дарахтлар сув устидан баланд кўтарилади.

Акватеррариумнинг сув қисмига сув ости манзараларининг элементлари: қоялар, гротлар ва сув ўсимликлари жойлаштирилади. Оролчанинг куриқлигида ва сербутот тўнкаларда намликни ёктирадиган тропик ўсимликлар ўстирилади.

Конструктив ечимнинг характери бўйича барча флорарумлар, террариумлар, аквариумлар ва акватеррариумларнинг тури ҳаракатчан, стационар ва атрофлича бўлиши мумкин.

Ҳаракатчан композициялар, махсус силжийдиган сизимга жойлаштирилиб, вақтнинг узок даврга мўлжалланган юкори эффе́ктив декоративлигини талаба қиладиган, интреёрда қўлланилади.

Контейнерларни кўчиб юриши учун мўлжалланмаган стационар композицияларга жойлаштирилади. Улар, асосан хизматга оид интреёрларга тавсия этилади.

Атрофлича композициялар турлича хоналарнинг интерьерлари билан узвий боғланади. Хусусан уларни бевосита ерда бинонинг биринчи қаватида жойлаштириш жойи муваффақиятлидир. Булар меҳмонхоналарнинг, ресторанларнинг холлари, театлар фойеси ва ҳокозо. Атрофилча композициялар анча юқори декоратив самарага эгадир.

Кишки боғлар, томдаги ва ички боғлар дизайни.

Булар учун махсус хоналар, иссиқхоналар қурилди, кейинчалик оражерялар деб номланган махсус кишки боғлар ташкил қилинди.


Асилзодалар ва биринчи ўринда монархлар ўзлари учун иссиқхоналар қурдилар, ва ҳашаматли кишки боғларни ҳам яратдилар. Австрия ва Франция қиролилари саройи қошидаги биринчи кишки боғларнинг қўринишлари ва эскизлари сақланиб қолingan.

Юзлаб рангли горелкалар майсаларни ёритганлар, улар орасига скамейкалар, боғли уйлар, перголалар, қатор устунлар жойлаб чиқилган. Ўт билан қопланган гиламлар пол вазифасини бажарган. Шиддат билан ўсувчи печаксимон ўсимликлар девор бўйлаб қўтарилиб ойнали шипгача етган, атрофида эса ҳар доим яшил эман дарахти, самбитгул, лавр дарахти, япон мушмуласи (ноксимон дарахт), альп атиргули, сарвлар, камеллар, померанцлар, пальмалар ўсган. Фавворалар шарилаб оқиб турган, ҳовузда оққушлар сузуб юрган, булбуллар, жаннат қушлари ва бошқа сайроқи қушлар бамбукзорларда ва қандли қамишпояларда чуғурлашиб сайраб турган.




45-расм. Қишки боғда ўсимлик турлари ва инерт материалларидан сувдан фойдаланилган ҳолда композициялар яратиш

Қишки боғни кўкаламзорлаштириш учун махсус ажратилган хонани айтай бошладилар, бу ерда чекланган майдонда сувли мослама билан уйғунлашган ўсимликлар, кичи меъморий шакллар жойлаштирилган. Қишки боғнинг асосий вазифаси – инсоннинг табиат муҳитига келгандаги жараёнини узайтиришдир.




1. ХОВУЗ
2. ФЛОРАТЕРРАРИУМ
3. ЮМШОК БУРЧАК
4. СУНЪИЙ ҶСИМЛИКЛАР
5. НАМЛИКНИ СЕВУВЧИ ТРОПИК ҶСИМЛИКЛАР



Ҳозир кунда кишки боғлар ўзида махсус шакллантирилган сунъий муҳитни ландшафт дизайн воситларидан фойдаланиб, инсонларнинг жамоат, мўмурий, ишлаб чиқариш ва турар жой биноларида дам олишни ташкил этишга мўлжалланган. Кишки боғлар коттежларда, офисларда, супермаркетларда кафеларда, ресторанларда ва бошқа муассаларда ташкил этилади.

Қоидага кўра, улар ҳудудунинг майдонига кўра эгаллашлари мумкин ва қуйидаги типларга дифференциялаш мумкин:

- кичик боғ – 30 кв.м. гача;
- ўрта боғ – 30-50 кв.м.гача;
- катта боғ – 50-100 кв.м гача



46-расм.Флорариум билан ва тошларнинг асосий типларини қўлланилгани билан кишки боғ: А-кенг; Б- баланд; В-ясси; Г- сершоҳ; Д- тираб қўйилган.

Кишки боғларда худуднинг энг катта кисмини яшил кўчатларлар учун ажаратилади. Кишки боғни шакллантириш учун фойдаланиладиган ўсимликлар, ҳам табиий, ҳам сунъий бўлиши мумкин. Сунъий ўсимликлар кўпроқ соя килинган жойларга жойлаштирилади ва табиий ўсимликлар учун фон бўлиб хизмат килади.

Кишки боғнинг шаклланишидаги усуллар, унинг функционал вазифасидан келиб чиқади, яъни у қандай муассасада жойлаштирилган ва инсонларнинг қайси ёшига мўлжалланган (болалар учун, ёшлар, катта ёшлилар ёки нафақа ёшидагилар) инсонларнинг тегишли категориясидаги рекреацион эҳтиёжи ҳисобга олинади.

Коттежда кишки боғни шакллантириш усулларида ёшини, оила таркибини ва агар болалари бўлса инobatга олиш олш керак, унча катта бўлмаган болалар худудини ажратиш мақсадга мувофиқдир. Кишки боғ худудини участкаларга ажратиш унинг хажмидан келиб чиқади.

Кичик боғнинг тархи оддий бўлиши керак, у композицион марказга эга бўлмаса ҳам бўлади. Силуэтли ва рельефли композицияларни яратиш тавсия этилади. Асосий эътиборни тахминан вертикал кўкламзорлаштирилган осилиб ўсадиган ва ампель ўсимликларга қаратиш керак, яъни конструкциявий ажратишни такрорлайди, катта оммавий яшилликни беради ва пол юзасининг кичи майдонини эгаллайди.

Ўрта боғ аниқ ўйлаб тузилган тарх асосида бўлиши керак, қайсики композиция маркази кўриниб туриши керак. Боғда учта компонентларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ – ўсимликлар, сувлар, майсазорлар. Катта боғда бир неча функционал зоналарни ажартиш мумкин: декоратив-парадди, сайр қилиш, болалар. Боғни икки даражали кўринишга ажратиш мумкин – балконли, ярусли ёки пешайвонли. Унда периметр бўйича айланиб ўтадиган йўлчаларни, озгина кўтарилган манзарли пешайвонни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Кишки боғнинг ҳар қандай типига фитомухитларни ландшафт дизайн воситаларидан фойдаланиб шакллантириш: ўсимликлар, геопластика, сув қурилмалари, кичик меъморий шакллар, декоратив хайкаллар, декоратив қопламалар орқали амалга оширилади.

Кишки боғни шакллантиришда сиртга қопланадиган сунъий материал қандай қўлланилса ва шундай табиий материални ҳам қўллаш мумкин: гранитли, мраморли плитчалар, чиғаноқтош, сувга чидамли ёғоч(тилоғоч). Кишки боғни ландшафт дизайн воситаларидан фойдаланиб архитектура-бадий ечими жуда ҳам турли туман бўлиши мумкин.


Боғни бадий ифодалигига эришиш учун табиий ландшафт имтацияси (ўхшатиш) усулларида фойдаланилади. Минатюрада кишки боғни “ ўрта йўл ўрмони”, “нам йўлчалар” “микрولандшафт чўллари кактус билан” ва

бошқалар билан имитация қилиш мумкин. Шунингдек ҳудудий кўринишни ва халқ архитектураси элементларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Атриумнинг кенг сатҳли жойига унчалик катта бўлмаган дам олиш майдонини скамейкалар билан қиритиш мумкин. Уларни ландшафт композициясига олдиндан ўйлаб қўйилган кузатиш жойига жойлаштирилади. Атриумли фазовийлик сокинликни, жимжитликни, дам олишни ҳис қилиш учун яратилиши керак.

Ички ҳовлилар ҳам кишки боғнинг турли туман кўриниши ҳисобланади. Бу унча катта бўлмаган фазовийлик, турар жой қурилишининг бир печа томонидан чегараланганлиги. Улар қандай ёпик девор билан чегараланса, шундай деразали деворлар билан ёки уйдан чиқиш йўлаги билан ҳам чегараланади.

Ички ҳовлиларнинг кенг сатҳини шакллантиришда ландшафт дизайннинг барча воситаларидан фойдаланиш мумкин: ўсимлик, геопластика, сув қурилмалари, кичик меъморий шакллар ва бошқалар. Улар ландшафт фарғментининг юқори ҳис-ҳаяжонга таъсир этиши сифатида яратилиши керак.



47-расм.Ички ҳовли дизайннинг кўриниши

Ички ҳовлиларни кенг сатҳини шакллантиришда, фазовийликни кўриш орқали кенгайтириш, усулидан фойдаланиш зарур. Уларни ташкил этишнинг асосий тамойили - турар жой хоналари билан узвий равишда боғлиқлик, табиий муҳитнинг энг турли туман элементини киритиш. Бу ерда сунъий ўсимликлардан ҳам ва табиий ўсимликлардан ҳам бирдек фойдаланиш мумкин. Табиий ўсимликлардан дарахтларнинг япроқли ва игнабаргли турларини ёки турли хил бутасимон ўсимликлардан ҳам, яна шунингдек турли туман гулли композицияларни ҳам қўллаб ажойиб кўринишдаги дизайнлар ташкил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда гидропониканинг (тупроксиз, озика моддалари эртимасида ўсимлик ўстириш усули) ривожланиши муносабати билан ички

ҳовлиларни кўкаламзорлаштиришда иқтисодий ва қизиқарли усулларини ечишга эришиш мумкин. Кимёвий кўшимча озиклантирилган шағал, турли майдаланган мраморли крошкалар, майда тошлар ва вулканли шлак билан тўлдирилган яшиқлар, тупрок билан тўлдирилган яшиқлардан кўра енгилроқдир. Модулли элементлардан турли туман композицияларни яратиш мумкин.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб боғларни томга қурилишига дастлабки шартлари пайдо бўлди, бунга шаҳарларнинг юқори урбанизацияси, шаҳарда ҳудудлари бўйича тирбандликлар, уларнинг юқори даражада кенгайиб бориши, шунингдек экологик вазиятни ёмонлашгани имкон берди.

Томга замонавий боғларни (ёки, аниқроғи турлича сунъий асосларда) функционал, техник ва эстетик масалалари билан қуриш қаторига энг муҳим экология, ҳудудни кўкламзорлаштиришга майдони кенгайтириш масаласи счилади.

Том бинонинг бешинчи фасади, шаҳарнинг бешинчи фасади сифатида қабул қилинган. Йирик шаҳарларда баланд қаватли уйларнинг деразаларидан ва балконларидан пастроқ биноларнинг – хизмат кўрсатиш блокларнинг, савдо-сотик марказларининг, ва иссиқликда ва зарарли ҳавода учиб юрадиган моддалар таркатадиган, қайсики ёзда кизиб кетадиган қора томларидан кўп учрайдиган кўримсиз киёфа очилади. Бундай визуал дискомфорт, инсонларнинг кайфиятига таъсир этиб, уларнинг меҳнат лаёқатини пасайтиради, табиатдан “ажратилганлик”дек ёқимсиз туйғуни кучайтиради.

Ҳозирги кунда томдаги боғлар шакли бўйича, архитектура-ландшафт безаги бўйич, функционал вазифаси бўйича турли-тумандир. Уларнинг яратилишида турар жой биноларининг, супермаркетларнинг, гаражларнинг, ҳар хил маҳсулот сақлаш базаларининг, техник хизмат кўрсатиш станцияларнинг, кинотеатрларнинг ва бошқаларнинг томларидан фойдаланилади.

Томдаги боғлар эксплуатация қилиш ва эксплуатация қилинмайдиганларга бўлинади. Эксплуатация қилинмайдигани бинони хаддан ташқари куёш радиациясидан сақлаш учун, шунингдек атроф муҳитнинг экологик кўрсаткичларини яхшилашга мўлжалланган. Эксплуатация қилинадигани эса турли туман рекреацион вазифаларни ечиш учун режалаштирилган.

Ҳозирги кунда рекреацион мақсад учун томдаги фазовийликни ташкил этишда икки ёндошув белгиланган:

- табиий боғни ўзига хос барча атрибутлари (хусусияти) ва деталлари билан ўхшатиб ишлаш;

- фақат дам олиш учун зарур бўлган атрофни ўраб турган ландшафтдаги микрофазовийликни ориентир олиш учун – денгиз, шаҳар манзараси, кўкаламзорлар массиви, тоғлар учун мосламалар яратиш.

Томда кичик боғни режавий ташкил этиш тавсифи бўйича мунтазам, эркин (манзарали) ва аралаш услубда ечиш мумкин. Қандай режавий услубни танлашдан катъий назар, аввало функционал, экологик кўрсаткичларни, комфортли муҳитни ташкил этишга ҳаракат қилиш керак. Муҳитнинг экологик кўрсаткичларига эришиш учун томдаги боғларга сувли мосламаларни, ҳавони совитадиган ва намлайдиган қурилмаларни (унча катта бўлмаган поғонали шаршаралар, оддий шаршаралар, декоратив ҳовузлар) киритиш керак. Ўсимликларни фаол суғоришни назарда тутиш ва озиклантирувчи тупроқни дренаж қилиш, ҳамда кишки вақтда тупроқни яшириб қўйиш ёки томда кўкламзорлаштиришнинг ҳаракатчанлик шаклини қўллаш. Шамолдан сақлайдиган деворлар, вертикал кўкаламзорлаш, геопластикани қуриш, ўсимликларнинг махсус турларини қўллаш керак бўлади.

Томда алоҳида микроклим бўлган шароитларга қуйидаги ўсимликлар яхши мослашади: татар заранг дарахти, шумтол баргли дарахт, оқ акация, эгилувчи форзиция, тотим (сумак), альп атиргули, кора арча, сарв гуллари. Шу билан бирга мақсадли кўкламзорлаштириш учун жой танлаймайдиган,

тоғли, тупроқкатламли ўсимликларни: тошдан чиқувчи, седумлар, ёйилиб ўсадиган бута, пакана дарахталар ва бошқаларни ишлаштириш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, томдаги ўсимликлар керагидан ортиқ инсоляциядан ва бионинг иссиқлик таъсиридан қизиқ кетишини, тупроқнинг унча сезилмаган қатламини совуқ уриб кетишини (30., 35 см.), яна шунингдек шамол кучи сезиларли синовдан ўтказди.

Бионинг конструкцияси ва уларнинг текис том ёпилиши ландшафт ечимига, авваламбор жами устунларнинг ёки бошқа тирговчуларнинг жойлашувига таъсир этади, шундайки баланд ўсувчи ўсимликларни яхшиси тирговчулар тагига жойлаштириш маъқулдир. Улар билан ёмғир сувлари оқиб тушиши бирга олиб борилади. Томдаги боғларни яхлит парапетлар қўринишида, баландлиги, аммо чиройли панорама ва пейзажлар қўринишида, агар улар бўлса ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Томларда боғларни яратишдаги асосий қийинчиликлар – илдизли тизим кучини бузилиши ва шамол кучи, шунинг учун томдаги боғлар конструкцияси етарлича қийин ҳисобланади. У қондага қўра, бир неча ажратилган қатламга, қўшимча шамолдан сақлайдиган қурилмага ва муҳсул сўғориш тизимига эга. Ўсимликлар учун тупроқ қатлами 30-49 см тузилишида, газон яратиш учун – 15 см. бўлиши керак. Афсуски, эксплуатация қилинадиган томлар қўшимча харажатни талаб этади. Уларнинг нархи, оддийларига нисбатан 75 % юқоридир.

Муҳандислик қурилмаларини талаб этадиган, ўсимликлардан ташқари, томдаги боғларга турлича кичик меъморий шаклларни ва ҳайкалларни жойлаштирилади. Айниқса, қўпроқ шийпончалар, соябонлар, йўлкаларни ва майдонлар қопламаларининг хилма хил қўринишидаги рекреацион қурилмалари қўлланилади. Айниқса унча қатта бўлмаган ҳажмдаги турлича геометрик шаклга эга: айланадан тортиб, то қўпбурчакли бетон плиталарни қўлланилиши рационал ва иқтисодийдир. Табиий тошлар элементларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Плиталарни тошлар, гишт, шағаллар билан

уйғунлашган ҳолда, турлича орнаментларни, тасвирларни, рельефларни бажариш мумкин.

Томдаги бундай қопламалар хусусан шаршаралар тубига уларнинг кам чуқурлиги кўринишида мосламаларни жойлаштириш маъкул (20-30 см.). Хусусий уйларда кўпроқ табиий дарахтлар афзал кўрилади, чунки улар, керамик плитка ёки тошга кўра камроқ кизийди. Дарахтни чиришга ва ёнишига қарши махсус ишлов бериш керак. Фазовийликнинг композицион ечимига сунъий материаллар элементини киритиш мумкин.

Ландашфт дизайн усулларининг боғлиқлигига қарамасдан микробоғларнинг қуйидаги типларини ажаратиш мумкин: сувли, ўсимликли, курук, аралаш.

Сувли боғлар чуқурлиги 20 см ховузнинг худди сув сирти билан ягонадек тасвирланади. Шарашаранинг туби сув чуқурлигини ўзгача таассуротини яратиш учун, турли ранг тусидаги шағаллар билан қоплаб чиқилган. Композицияни кўприклар, ўтиш йўлчалари, декоратив ва шамолдан саклайдиган деворлар тизими, фаввораларнинг рангли мозаика косачалари, намликни севмайдиган ўсимликлар билан контейнерлар тўлдиради. Ўсимлик боғидаги, яъни ўсимликлар ўтказилган контейнерлар, микрорельеф билан, майсазор билан қопланиб, табиий ландшафтни эслатувчи сунъий декор қилинади.

“Яшил томлар” нинг қурилишидаги янги технологиялар қурилиш ишлари комплексини ўз ичига олади. Бу гидроизоляция, дренаж қатламларини керакли фильтрацияси билан қуриш масалаларини ҳал қилади.

Гидроизоляция эркин ётқизиладиган қатламларга ажратадиган ва ўзида битум-полимер мембранани ифодаладиган, яъни газламасиз полиэфирли толалар ип билан тугаш ва махсус қўшимчалар билан таъминланиб арматураланган, қоплашда ўсимликнинг илдиз тизимига кириб боровчи тўсиқларга қарши жойлаштирилган. Гидроизоляцияли қатламлар баландликка, вертикал сиртига, 20 см.дан кам бўлмаган тупроқ даражасидан оширмасдан олов горелкаси қайтарма билан (туташтирилиб) пайвандланади

Мембранли гилам 10 см. га устма-уст ётиқзилади, бирлаштирувчи чоклар горелка оловида пайвадланади. Мембранли гиламнинг иккинчи катлами ҳам асосга шу типда жойлаштирилади. Мембранларнинг қирралари олдинги қопламга нисбатан 50 см.га сурилиб ёнма-ён жойлаштирилади. Мембранли қопламнинг тепаси курик услуб билан гранулалли қатламда (15 см. дан кам бўлмаган қалинликда) керамзитдан ёки майда шағал билан ётқирилади (7-18 см). Дренажли қатлам кетидан газламасиз полифир тоналалли, дренажни ифлос қилинишига тўсиқчилик қиладиган филтрационли қатлам билан ётқирилади. Сўнгра ишчи сиртга тупрок ётқирилади ва шундан кейин ўсимликларни ўтказиш амалга оширилади. Шуларни инобатга олиш керакки, ҳажмни интенсив кўкламзорлаштиришда, ёмғир суви билан тўйиниши, 500-600 кг/м³. ни ташкил этиши мумкин. Бу лойиҳалаштиришда статистик ҳисоблашларни назарда тутиш керак ва қўшимча кўкаламзорлаштириш ишларида бунини эътиборга олиб қабул қилинади

Назорат учун саволлар

1. Қишки, ички ва томдаги боғлар дизайни ҳақида тушунча.
2. Юқоридаги боғларнинг тархи ҳақида.
3. Қишки ва ички боғларда ўсимлик дунёсининг ўрни.
4. Рекреацион мақсад учун томдаги боғларда қандай ёндошувларга эътибор қаратилади.
5. Томдаги боғларни яратишда асосий қийинчиликлар.
6. "Яшил томлар" ҳақида тушунча.
7. Гидроизоляция нима.
8. Қишки боғларни бадий ифодалаш нима.
9. Фойдаланиладиган ўсимлик турлари.
10. Томлар шаҳарнинг нечанчи фасади деб қабул қилинган.

Мундарижа

1. Кириш. Боғ-парк ландшафт дизайни ҳақида тушунча
2. Ландшафт дизайнининг асосий тушунчалари ва йўналишлари
3. Ўсимликлар элементлари асосида композицион фрагментлар яратиш.
4. Манзарали хиёбонлар дизайнини шакллантириш
5. Ландшафт дизайн элементларида сувларни (иншоотларини) қўллаш
6. Боғ-парк дизайнида шаршаралар ва фаввораларни акс эттириш.
7. Кичик шакллар ландшафт дизайнининг элементи сифатида.
8. Кичик меъморий шакллар дизайнини тавсифлаш
9. Боғ-паркларда ёритиш тизимининг асосий элементлари
10. Боғларда фитодизайн ва флородизайнни тавсифлаш.
11. Қишки боғлар, томдаги ва ички боғлар дизайни

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. “Тарихи бой,бугуни гўзал,келагаги буюк шаҳар”Т.2009.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2007 йил,7-сентябрдаги 186-сонли қарори.Т.2007.
3. Абдурахманов Л.А., Славкина Т.И.”Озеленительный ассортимент и уход за городскими насаждениями Узбекистана”Т.1980.
4. Адилова Л. А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма. – Ташкент
5. Қаландаров М.М., Тўракулов А. “Кўкаламзор ҳудудлар барпо этилик”. Т. 2008.
6. Крижановская Н. Я. Основы ландшафтного дизайна. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2005.
7. Нозилов Д. А. Чорбоғ. – Ташкент: ТошДТУ, 1997.
8. Ожегов С. С., Ўролов А. С., Раҳимов К. Ж. Ландшафт архитектураси ва дизайни – Самарканд, 2003.
9. Печеницын В.П., Азамов А.А. “Культура озеленения”. Т. 2005
- 10.Пугаченкова Г. А. Среднеазиатские сады и парки. // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1987
- 11.Славкина Т.И., Подольская О.И. “Декоративное садоводство”.Т.1987
- 12.Уролов А. С. Ўрта осие анъанавий услуги ва замонавий боғ-парк санъати.- Самарканд: “Zarafshon”, 2011.
- 13.Шацкая Т. В. Аквализайн стран Востока. Учебное пособие. – Ташкент: ТашГТУ, 1997.
- 14.www.flora-desingn.ru
- 15.www.gardenr.ru
- 16.www.land-desingn.ru
- 17.www.landshft.ru

Тошкент давлат аграр университети доценти **Мухитдин Махмудович
Қаландаров** ва Тошкент Архитектура қурилиш институти доценти **Елена
Анатольевна Доброправова** томонидан тайёрланган **“Боғ-парклар
ландшафти дизайни”** ўқув адабиётига

Анотация

Тайёрланган ушбу ўқув адабиётида боғ-парклар барпо қилишдаги унинг дизайни бўйича асосий тушунчалар ва йўналишлар, ўсимликлар элементлари асосида композицион фрагментлар яратиш, ландшафт дизайни элементида сув ҳавзаларни (иншоатларни) қўллаш, боғ-парк дизайнининг элементи сифатида фавворалар ва шаршараларни акс эттириш, боғ-паркларда кичик архитектура ва меъморий шаклларни акс эттириш, боғларда ҳар хил орламентли кўринишга эга бўлган ёриткичларни ўрнатиш ва уларни тавсифлаш, боғ-паркларда флородизайнлар, қишки ва йил бўғларлар яратиш дизайнлари берилган.

Аннотация

На учебнике **Каландарова Мухитдина Махмудовича и Елена Анатольевна Доброправова «Ландшафтный дизайн в садово-парковое строительстве»**

Ландшафтный дизайн-это искусство создания садов, парков и других озеленяемых участков, размещение и группировку растений в сочетании с архитектурными сооружениями, водоемами, дорожками, скульптурой. Живописное размещение композиционных элементов, имитирующее естественный ландшафт: водопадов, фонтанов, декоративные беседки, установления декоративных фонарей, организации в саду флорадизайн и

фауна-дизайн, зимние и внутренние сады и его ландшафтный дизайн.

Abstract

The main book Kalandarova Mukhitdin Makhmudovich and Elena Dobronravova "Landscape Design in gardening construction"

Landscape design is the art of creating gardens, parks and other areas: planting trees and gardens, location and grouping of plants, combined with architectural structures, ponds, paths, sculpture. Picturesque placement of composite elements, simulating the natural landscape of waterfalls, fountains, decorative arbors, decorative lights, establishment, organization, and in the garden flora-design, fauna-design, winter and internal gardens and landscaping.